

**ЎЗБЕКИСТОН МУСУЛМОНЛАРИ ИДОРАСИНИНГ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ВАКИЛЛИГИ**

# **АЁЛ – ЖАМИЯТИМИЗ ФАЙЗИ**

**МАЖБУРИЙ НУСХА**

**“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2012**

УДК: 396.6:297 (575.1)

66.74(5Ў)

А34

- *Аёллар ҳаракати*

Аёл – жамиятимиз файзи / масъул муҳаррир А.Турсунов; Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳар вакиллиги. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2012. – 112 б.

КБК: 66.74(5Ў)

Масъул муҳаррир:

**Анвар қори Турсунов**

*Тошкент шаҳар бош имом-хатиби*

Муҳаррирлар:

**Жасурбек Раупов**

*Тошкент шаҳар бош имом-хатиби ўринбосари*

**Т.Назарова**

*Тошкент шаҳар бош имом-хатибининг*

*хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси*

**Д.Раҳимжонов**

*Тарих фанлари номзоди, доц.*

*ТИУ "Исламшунослик" илмий-тадқиқот маркази раҳбари*

**Х.Йулдошхўжаев**

*Тарих фанлари номзоди, доц. ТИИ ректори*

Тақризчилар:

**Н.Мухамедов**

*Тарих фанлари номзоди, доц.*

**А.Абдуллаев**

*Тарих фанлари номзоди*

Мусаххихлар:

**М.Хушвақтов**

**И.Элмуродов**

Юртбошимиз ташаббуслари билан "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилинган жорий йилда Ўзбекистон мусулмонлари идораси Тошкент шаҳар вакиллиги томонидан тақдим этилган ушбу рисола бугунги кундаги долзарб мавзуларни ўз ичига олган. Маълумки, аёл оиланинг муҳим таянчи ҳисобланади. Аёли маънаф, руҳан ва жисмонан соғлом бўлган оила ҳар томонлама етук ҳисобланади, бу оилада тарбия топган фарзандлар баркамол инсон бўлиб вояга етади, бундай авлод буюк келажагимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлади, десак асло муболаға бўлмайди. Бу борада ушбу рисола аёлларимизга муҳим қўлланма бўлади, деган умиддамиз.

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2012 йил 5 апрель № 723-рақамли тавсияси*

билан чоп этилди

**Ushner Navoiy**

2012/115  
ISBN 978-9943-390-43-0

Ushner Navoiy

A 4928

O'zbekiston MK

© "Тошкент ислом университети"  
нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2012

## СЎЗ БОШИ

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.

Алҳамдулиллаҳ, юртимиз истиқлол саодатига мушарраф бўлди. Буюк халқимиз ўз маънавий қадриятлари сарчашмаларидан баҳраманд бўлмоқда. Халқимиз моддий ва маънавий жиҳатдан тараққиётга эришяпти.

Инсон қадри бизнинг мустақил ватанимизда энг олий эътиборда турувчи омилдир. Хусусан аёл қадри, онанинг мартабаси, қизларимизнинг фазилатлари жамиятимизда эътиборга моликдир. Муҳтарам Юртбошимиз ҳар бир чиқишларида, ёзган асарларида аёлларнинг ҳурматига алоҳида аҳамият берадилар ва аёлларнинг жамиятимизда тутган ўринларига юксак эътибор билан қарайдилар. Аёллар жамиятимизда жуда муҳим мақомга эгадирлар. Уларнинг энг юксак мартабалари оналикдир. Жамиятимизда садоқатли, ватанпарвар, салоҳиятли фарзандларни тарбиялашда аёлларнинг масъулияти жуда каттадир. Ватандошимиз, буюк муҳаддис Имом Термизий Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан ривоят қилган саҳиҳ ҳадиси шарифда: “Сизларнинг яхшиларингиз, сизларнинг яхшиларингиз аёлларига олийжаноблик қилганларингиздир”, деб яхшилик қилишни икки марта такрор айтдилар. Демак, аёллар жамиятимизнинг файзи, зиёсидирлар.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Тошкент шаҳридаги вакиллиги томонидан тасниф этилган “Аёл – жамиятимиз файзи” номли китоб айнан долзарб мавзулардан бирига бағишланган.

Ушбу рисоланинг жорий “Мустаҳкам оила йили”да нашр этилиши янада муҳим аҳамият касб этади. Китоб аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни, кийиниш маданияти,

фарзандлар тарбияси, хотин-қизларнинг касб-хунарли бўлишлари каби долзарб мавзуларни ўз ичига қамраб олган. Шунингдек, рисолада диний экстремистик оқимлар, миссионерлик ва гиёҳвандликнинг зарарли оқибатларидан огоҳ бўлиш, юртимизда анъанавий бўлган ханафийлик мазҳаби фазилатлари ҳақидаги фикрлар илмий асослар билан мукаммал баён қилиб берилган. Асарнинг аёлларимиз маънавий, илмий-маърифий савиясини бойитиш, келажак авлодни баркамол этиб вояга етказишдаги ҳиссаси улкан бўлади, иншааллоҳ.

Аллоҳ таоло “Аёл – жамиятимиз файзи” китоби орқали аёлларимизнинг маънавий, ахлоқий жиҳатдан янада мукаммал бўлишини насиб этсин. Аёлларимиз, оналаримизни, опа-сингилу, қизларимизни ватанимизга садоқатли, фарзандларимизга ғамхўр, айна пайтда ўзлари соғ-саломат бўлишларини ҳамиша бардавом айласин. Ўйлайманки, ушбу рисола аёлларимизга “Мустаҳкам оила йили”да энг яхши тухфа, ҳадядир.

**Усмонхон Алимов,  
Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
раиси, муфтий.**

## І БОБ. ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

### Ислом динида аёлларга муносабат

Аллоҳ таоло Қуръони каримда аёлларни улуғлаб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини билдириш мақсадида бир қанча оятлар нозил қилди ва ҳаттоки қатта бир сурани “Нисо” (Аёллар) деб номлади. Бир қанча оятларида эса аёлларнинг жамият, оила ва фарзанд тарбияси каби масалаларда жуда муҳим вазифаларни бажаришини баён этган. Муқаддас динимиз эркак кишининг аёллар ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, она, сингил, ўз аёли, қизи учун ҳар қандай масъулиятни ўз зиммасига олиши кераклигига буюради. Аёл биринчи навбатда онадир. Фарзандининг хато-камчиликларини беркитадиган, яхши сифатларини кўз-кўз қиладиган ҳам онадир. Онанинг мартабаси энг олий мартаба ҳисобланади. Пайғамбарлар, авлиёлар, олимларнинг дунёга келишига сабабчи бўлган зот Онадир. Она фарзандни дунёга келтириб, уни улғайтиргандан сўнг, уларнинг роҳатини кўришни, келажакда элига, халқи, ватанига манфаати тегадиган солиҳ фарзанд бўлиб етишишини хоҳлайди.

Динимизда онани, аёлни ҳурмат қилиш, эъзозлаш улкан ажру-савобларга олиб борувчи амал сифатида баҳоланган. Бунга Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи васалламнинг *“Жаннат оналар оёғи остида”*, *“Уч бор онага, сўнгра отага яхшилик қилиш”* мазмунидаги ҳадислари яққол далил бўлади.

Эркак ва аёлларнинг ҳуқуқлари эса баробар бўлиши билан бир қаторда, улардан ҳар бирининг ўзига хос ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб берилган. Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилиб айтадики:

وَمَنْ يَعْمَلْ مِنَ الصَّالِحَاتِ مِنْ ذَكَرٍ أَوْ أُنْثَىٰ وَهُوَ مُؤْمِنٌ فَأُولَٰئِكَ  
يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ نَقِيرًا (۱۲۴)

“Хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин – кимда-ким мўмин бўлган ҳолида яхши амаллардан қилса, ана ўша кишилар жаннатга кирурлар ва уларга қилчалик зулм қилинмас”. (Нисо: 124)

Яъни, эркакми, аёлми ўз зиммасидаги масъулиятини адо этса, эзгу амалларда бардавом бўлса, унга берилажак мукофот тайин – охиратда жаннат бўлади.

Абу Хурайра розийаллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда Пайғамбар алайҳиссалом айтдилар: *“Мўминларнинг имон жиҳатидан мукамалроқлари хулқ-одоби чиройлироқларидир. Сизларнинг яхшиларингиз аҳли аёлларингизга яхши муомалада бўладиганларингиздир”*.

Ислом дини аёлларнинг жамиятдаги ўрнини юксак эканлигига алоҳида эътибор беради. Бу ҳол уларнинг оила юмушларидан ташқари давлат ва жамият аҳамиятига молик ишларида ҳам кўринади. Бунга мисол тариқасида Пайғамбар (с.а.в.)нинг аёллари Оиша ва Ҳафса (р.а.)ларнинг муҳим масалаларда саҳобалар ва тобеинларга маслаҳат ва фатволар бериб келганлигини айтишимиз мумкин.

Бугунги кунда соғлом оилаларни шакллантириш борасида маҳаллалардаги жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, оилаларда ота-онанинг фарзандлар тарбиясидаги бурчи ва вазифаларига бўлган масъулиятини ошириш, оила муқаддаслиги каби кадриятларни тарғиб этишда аёлларнинг, шу жумладан отинойиларнинг масъулияти янада оширилмоқда. Аллоҳ таоло дунёдаги барча жонзотларни, шунингдек, инсонларни ҳам жуфт-жуфт бўлиб яшашга мос ҳолда

яратган. Оила инсон зоти яратилганидан бошлаб давом этиб, инсоният тарихининг ҳамма даврларида ҳар қандай тузум ва шароитда ҳам кишиларнинг асосий ва муҳим ҳамда шарафли ишларидан ҳисобланган.

Оила инсоннинг дунёвий саодатини таъминловчи кўргондир. Оилада эркак кишининг масъулияти алоҳида қайд этилган. Аллоҳ таоло эркак кишини жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратган. Оила қуриш ва унинг осойишталигини сақлаш, бу йўлдаги барча сарф-харажатлар эркак кишининг зиммасидадир. Аллоҳ таоло эркак кишига оиладек мукаддас даргоҳга раҳбар бўлиш вазифасини юклаб, унга юклатилган вазифаларни адо этишга буюриши билан бундай оилаларни бахтли бўлишларига йўл кўрсатади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

الرِّجَالُ قَوَّامُونَ عَلَى النِّسَاءِ بِمَا فَضَّلَ اللَّهُ بَعْضَهُمْ عَلَى بَعْضٍ  
وَمَا أَنْفَقُوا مِنْ أَمْوَالِهِمْ

“Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоним турувчилардир. Сабаб – Аллоҳ уларнинг айримлари (эркаклар)ни айримлари (аёллар)дан (баъзи хусусиятларда) ортиқ қилгани ва (эркаклар ўз оиласига) ўз мол-мулкларидан сарф қилиб туришларидир” (Нисо: 34).

Уламоларимиз тафсир китобларида ушбу оятнинг мазмунига кўра, эрнинг зиммасига ўз хотини олдида ҳам ижтимоий, ҳам жисмоний, ҳам молиявий бурч-масъулият юкланишини айтганлар. Шунингдек ояти каримадаги оила бошлиғи вазифасини қаҳр ўтказиш, жабру зулм қилиш имкони деб тушуниш ҳам мумкин эмас. Аллоҳ таоло марҳамат қиладики:

## وَعَاثِرُوهُنَّ بِالْمَغْرُوفِ

“...Улар билан тотув турмуш кечирингиз...” (Нисо: 19).

Дарҳақиқат, ислом дини ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшилари каторига қўшади. Бу ҳақда Расулulloҳ (с.а.в.) шундай деб марҳамат қиладилар: *“Сизларнинг ичингиздаги энг яхшингиз ўз аҳли аёлига нисбатан яхши муносабатда бўлгандир. Мен ҳам ўз оиламга сизлардан кўра яхшироқ муносабатдаман”* (Имом Термизий ривояти).

Албатта, ҳар тўқисда бир айб деганларидек, инсон зоти айбу нуқсондан холи эмас. Шундай экан, агар аёллари хато ва айб содир этса, эркакларга ўз аёлларининг айбларини беркитиб, оиланинг бардавом бўлишини кўзда тутган ҳолда уларга панду насиҳат қилиб туриш буюрилади. Пайғамбаримиз (с.а.в.)дан Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қилади:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ قَالَ : قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : لَا يَفْرِكُ مُؤْمِنٌ مُؤْمِنَةً إِنْ كَرِهَ مِنْهَا خَلْقًا رَضِيَ مِنْهَا آخَرَ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ

*“Ҳеч бир мўмин ўзининг мўмина аёлини ёмон кўрмасин. Агар унинг хулқ-атворидан бирини ёқтирмаса, бошқа хулқини ёқтириши мумкин”* (Имом Муслим ривояти).

Эркак кишининг энг катта бурчи ўз қарамоғидагиларни ўзгаларга қарам бўлиб қолишига йўл қўймасликдир. Дарҳақиқат, эркакларнинг зиммасига аҳли аёлининг нафақаси фарздир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадисларининг бирида: *“Киши ўз қарамоғидагиларини нафақасиз ташлаб қўйиши унинг қаттиқ гуноҳкорлигига кифоя қилади”*, – деб марҳамат қилганлар (Абу Довуд ривояти).



Минг афсуслар бўлсинки, ҳозирги кунда баъзи бир оила бошлиқлари айнан шу масалада ўз вазифаларини унутиб қўймоқдалар. Ҳатто баъзилари ориятсизлик билан ўз жуфти ҳалолларини аёллар шаънига мос келмайдиган йўллар билан пул топиб келиш учун кўча-кўйга чиқариб, ҳатто мардикорчилик қилишга ҳам мажбур қилаётганлари учраб турибди. Бундай ҳолатларнинг пайдо бўлиши ачинарли ҳолдир. Расулulloҳ (с.а.в.) “Ҳажжатул Вадоъ”да эркакларга муурожаат қилиб шундай дедилар:

فاتقوا الله في النساء فإنكم أخذتموهن بأمان الله واستحللتم فروجهن بكلمة الله ولكم عليهن أن لا يوطئن فرشكم أحدا تكرهونه فإن فعلن ذلك فاضربوهن ضربا غير مبرح ولهن عليكم رزقهن وكسوتهن بالمعروف

*Жобир ибн Абдуллоҳ (р.а.) Пайгамбаримиз (с.а.в.) дан айтдилар: “Аёллар ҳақида Аллоҳдан қўрқинглар, дарҳақиқат, улар сизлар учун Аллоҳнинг омонати, Аллоҳ номи билан ўзларингизга ҳалоллаб олдингизлар. Улар сизнинг ёрдамчиларингиз бўлиб, сизларнинг улардаги ҳаққингиз шундан иборатки, сизнинг уйингизга сиз ёқтирмаган бирорта кимса киришига йўл қўймаслик. Борди-ю, шундай қилсалар уларни жасроҳат етказмайдиган қилиб уришиб қўйингиз! Ўз навбатида сизларнинг зиммангизда ҳам уларни ўрта ҳолатда едириб, кийдириш мажбурияти бордир” (Имом Муслим ривояти).*

Фарзандларни одатда оналар эмизиб тарбия қиладилар. Моддий таъминот бўйича аёл эридан унинг тоқати етмайдиган нарсаларни талаб қилиш мумкин эмас. Уламоларимиз айтадиларки, эрининг топганига қаноат қилмасдан, ундан янада кўпроқ нарсалар талаб қилган аёллар гуноҳкор бўлади.

Хуллас, оила бошлиқлари, яъни ота-оналар намунали, аҳил оила курсалар, фарзандларнинг тарбияси ҳам осон бўлади. Бинобарин, оиланинг муқаддас даргоҳ эканини ҳеч қачон унутмаслик лозим.

Аллоҳ таоло юртимизни обод қилиб, оилаларимизни мустаҳкам, азиз фарзандларимизни ота-онасига раҳмат келтирадиган, злу юртга манфаатли инсонлар бўлишларини насиб этсин! Омин.

### Оилада аёлнинг ўрни

Аллоҳ таоло барча мавжудотлар қатори инсонни ҳам жуфт, яъни эркак ва аёл қилиб яратган. Кишилиқ жамиятининг бир қисмини аёллар ташкил этар экан, ҳаётда турмуш юмушларининг кўп қисми улар зиммасидадир. Аёл – биринчи навбатда онамиз, қолаверса жуфту ҳалолимиз, опа-синглимиз, кизимиздир. Агар аёл ҳаётда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлса демак, жамият соғлом бўлади. Чунки, келажакнинг меваси бўлмиш фарзандлар оналар сабабли дунёга келади. Уларга бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни кекса онахон-момохонларимиз ўргатадилар. Шундай экан, келажак авлоднинг солиҳ бўлишлиги бугунги кун аёлларининг солиҳа бўлишларига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Аёл киши аввало, Она сифатида қадрланади. Куръони каримнинг бир нечта оятларида онани эъзозлашга, унинг ҳаққини адо этишга буюрилган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам ҳадисларининг бирида: *“Жаннат – оналар оёғи остидадир”* – деб марҳамат қилганлар (Имом Хатийб ривояти).

Ислом таълимотига кўра оилали аёлнинг зиммасига қатор вазифалар юклатилиши баробарида, жамиятда ҳам ўзининг ҳақ-ҳуқуқларига эгадир. Саҳобалар

Расулуллоҳ (с.а.в.)дан: Зиммамизда хотинларимизнинг қандай ҳақлари бор? – деб сўрашганда, У Зот (с.а.в.): “Еганингизда уни ҳам едирмогингиз, кийганингизда кийдирмогингиз, юзига урмаслик, қабиҳ сўзлар билан ҳақорат қилмаслик, аразлашганда уйдан чиқмаган ҳолда ўринни бошқа қилиб ётмоқлик”, – дедилар. (Абу Довуд ривояти).

Албатта, аёл киши жамиятнинг ажралмас бир бўлаги экан, ислом таълимотига кўра ҳам у ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлиб, илм олишга, касб-ҳунар қилишга ҳақлидир. Шунга биноан бугунги куннинг аёли ҳам унга берилган ҳақ-ҳуқуқлардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, аёллик иффатини сақлаб, ўз шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Уларни турли ёмонлик, хавф-хатар ва иллатлардан ҳимоялаш ҳамда ҳурматини жойига қўйиб, чиройли муносабатда бўлиш эса биз эркакларнинг зиммамиздадир. Чунончи, Расулуллоҳ (с.а.в.) умматларини аёлларга яхши муносабатли бўлишга буюриб шундай марҳамат қиладилар:

عَنْ أَبِي سَلَمَةَ ، عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ، قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ : أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا ، وَخَيْرَكُمْ خَيْرَكُمْ لِنِسَائِهِمْ.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан қилинган ривоятда Пайгамбар (с.а.в.) айтадилар: “Мўминларнинг имон жиҳатидан комилроғи хулқи яхши бўлганларидир. Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳлу аёллари билан яхши бўлганларингиздир” (Имом Термизий ривояти).

Аёлларга хос яна бир масала борки, унга ҳам тўхталиб ўтишимиз лозим бўлади. Муқаддас ислом динимиз таълимотига кўра, шарият ҳукмлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, мубоҳ, ҳалол, ҳаром, макруҳ каби ҳукмларга барча мусулмонлар, шу жумладан, аёллар

хам риоя қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганлар. Лекин аёл кишининг ўзига хос жисмоний ва табиий хусусиятларини ҳисобга олиб, шариатимиз уларга ибодат, турмуш, кийиниш, ишлаш ва ижтимоий ҳаётнинг айрим жиҳатларида эркакларга караганда бошқачароқ амал қилишга буюрган. Бу билан уларни камситиш ёки таҳқирлаш эмас, балки аёлларнинг она, опа-сингил ва турмушда эркак кишининг умр йўлдоши сифатида ҳурмат ва ифбатларини ҳимоя қилиш, уларнинг орномусларини сақлаш каби ҳикматларга риоя қилинган.

Қуръони каримда 176 оятли бир суранинг номи “Нисо” (Аёллар) деб номланиши, юзлаб оятларда аёлларга доир ҳукмларнинг баён этилиши, ҳадиси шарифларда аёлларга хос алоҳида кўрсатмалар берилганлиги ислом динида аёл кишининг нақадар юқори эътиборга молик эканидан далолатдир. «Нисо» сурасининг 127–128-оятларида Аллоҳ таоло марҳамат қилиб айтадики:

وَيَسْتَفْتُونَكَ فِي النِّسَاءِ قُلْ اللَّهُ يُغْفِرُ لِمَن يَشَاءُ وَمَا يُغْفِرُ اللَّهُ إِلَّا لِمَن يَشَاءُ  
 الْكِتَابِ فِي نِسَاءِ اللَّاتِي لَا تُؤْتُونَهُنَّ مَا كَتَبَ لَهُنَّ وَتَرْنَ غُيُوبَهُنَّ  
 أَنْ تَنْكِحُوهُنَّ وَالْمُسْتَضْعَفِينَ مِنَ الرِّجَالِ وَأَنْ تَقُومُوا لِلنِّسَاءِ بِالْقِسْطِ  
 وَمَا تَفَعَّلُوا مِنْ خَيْرٍ فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِهِ عَلِيمًا (۱۲۷) وَإِنْ امْرَأَةٌ خَافَتْ  
 مِنْ بَعْلِهَا نُشُوزًا أَوْ إِعْرَاضًا فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا أَنْ يُصَلِحَا بَيْنَهُمَا  
 صُلْحًا وَالصُّلْحُ خَيْرٌ وَأُخْضِرَتِ الْأَنْفُسُ الشُّحَّ وَإِنْ تُحْسِنُوا وَتَتَّقُوا  
 فَإِنَّ اللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا (۱۲۸)

(Эй Муҳаммад алайҳиссалом), Сиздан аёллар ҳақида фатво сўрайдилар. Айтнинг: “Улар тўғрисида сизларга Аллоҳ ва Китобда (Қуръонда) тиловат қилинаётган оятлар фатво берур: (Қарамоғингиздаги) етим аёлларни (агар гўзал бўлсалар) улар учун фарз қилинган маҳрларини бермасдан (никоҳингизга олишингиз) ва (агар хунук бўлсалар) ўзларингизнинг

никоҳингизга олишдан ҳам юз ўгириб (улардан қоладиган меросга тама қилиб то ўлгуларича бошқа бировга ҳам турмушга чиқармай сақлашларингизни сизларга харом қилди). Яна ночор – норасида болалар ҳақида (фатво бериб), бундай етимлар хусусида адолат билан туришингизни амр қилур. Сизлар нима яхшилик қилсангиз, албатта Аллоҳ уни билиб тургувчи бўлган Зотдир. Агар бирон аёл эри томонидан кўнгилисизлик ёки юз ўгириб кетишлик содир бўлишидан қўрқса, у холда иккови ўзаро бир сулҳга келишиб олишса (яъни, аёл эрининг ҳоли ва хоҳишига қараб ўзи учун эрга малол келадиган даражада нафақа ва эътибор талаб қилмаса, шу билан баробар эр ҳам хотинини ташламасликка, унга зулм қилмасликка рози бўлса), зарарсиздир. Сулҳ (ажралиб кетишдан) яхшироқдир. Нафслар кизғанишга ҳозир у нозир бўлиб турадилар. Агар (аёлларингизга) чиройли муомала қилсангизлар ва Аллоҳдан қўрқсангизлар (ўзингизга яхшидир). Зеро, Аллоҳ қилаётган амалларингиздан хабардор бўлган Зотдир.” (Нисо: 127-128)

Аёл зотининг жамият ҳаётидаги ўрни муҳим эканлиги хусусида юқоридаги далиллар ва мулоҳазалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аёллар фақат ўз оилалари билан чекланиб қолади, деган сўз тўғри эмас. Аёл гўзал ҳулқ, оқилалиги билан жамиятга ижобий таъсир қилиши, аксинча макр-ҳийлалари билан таназзулга сабабчи бўлиши ҳам мумкин. Бу эса аёлнинг имонига боғлиқ.

Аёл оилада тежамкор, меҳрибон умр йўлдош, оқила она бўлмоғи лозимдир. Гўзал ҳулқли фарзандларни вояга етказган аёлни ҳазрати аёл десак адашмаймиз. Бизнинг момоларимиз кимлар бўлганлигини эслайлик. Абу Али ибн Синонинг волидаси Ситорабону, Мирзо

Улуғбекнинг онаси Гавҳаршодбегим, Бобур Мирзонинг катта онаси Қутлиғнигорхоним, Баҳоуддин Накшбанд онаси Валий Орифахон ва X асрда яшаган Робия Балхийдек ўткир илм соҳибаси момоларимиз каби буюк инсонларни тарбиялаш барча аёлларимизга насиб этсин.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, Юртбошимиз: *“Аёл бир қўли билан бешикни, бир қўли билан дунёни тебратди”* – деб бежиз айтмаганлар. Юртимизда аёлларга берилаётган имтиёзлардан оқилона фойдаланайлик. Мамлакатимиз равнақи учун барчамиз ўз ҳиссамизни қўшайлик.

Аллоҳ таоло барчаларимизга ўзининг кўрсатмаларига мувофиқ амалда бўлишимизни насибу рўзий айласин!

### **Фарзанд тарбиясида оналарнинг масъулияти**

Аёлнинг жамиятда, хусусан оиладаги муҳим ўринларидан бири фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, унга меҳрибонлик кўрсатиб, турли азият берадиган нарсалардан сақлаган ҳолда вақтида озиқлантириб, ювиб-тараб, тоза кийинтириб, бетобланиб қолишига йўл қўймай, доимо хушёр ва ундан хабардор бўлишидир.

Фарзанд тарбиясида онанинг ҳизматлари каттадир. Аввало, фарзанднинг соғлом ўсиши учун барча зарур моддаларни ўз таркибида мужассамлаштирган она сутидан махрум қилмаслик керак, чунончи Қуръони каримда Аллоҳ таоло янги туғилган фарзанд ҳаққини баён қилиб марҳамат қиладики:

*وَالْوَالِدَاتُ يُرْضِعْنَ أَوْلَادَهُنَّ حَوْلَيْنِ كَامِلَيْنِ*

**“Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар”**  
(Бақара: 233).

Албатта, фарзанд Аллоҳ таоло ато этган улуғ неъматлардандир. Бу неъматнинг шукрини адо этиш

мувофик тарбиялашдир. Тарбия эса, эмизишдан бошланади. Чакалоқни икки ёшигача ўз сути билан эмизиш она учун мўътабар вазифа бўлиши билан биргаликда бу иш гўдакнинг ҳақларидан бири ва у учун нақадар фойдали эканига ояти каримада ҳам ишора қилинмоқда.

Бу хусусда Пайғамбар (с.а.в.)дан ҳам шундай ривоят қилинади: *“Гўдак учун ўз онасининг сутидан кўра яхшироқ нарса йўқдир”*. Бизнинг халқимизда ўзига хос фазилат ва хусусият борки, у ҳам бўлса ҳеч бир она узрсиз бола эмизишдан бош тортмайди. Дарҳақиқат, зарурат бўлмаган тақдирда она сутидан бошқа сутга ёки бошқа маҳсулотга муддатидан олдин ўтишлик боланинг мўътадил ўсишига салбий таъсир этиши ҳақида табобат фани гувоҳлик беради.

Ота-оналар мурғак чакалоқларини эркалаб, ардоқлаб ўстирар эканлар, фақат уларнинг жисмоний соғлиғи, моддий таъминоти тўғрисида эмас, балки уларнинг маънавий бойликларини, инсоний фазилатларини баркамол қилиш тўғрисида ҳам қайғуриб боришимиз керак бўлади. Зеро, ҳеч бир ота-она ўз фарзандига мукамал одобдан кўра яхшироқ нарсани беролмайди.

Бунинг учун уларни ёшлик чоғларидан бошлаб илму-маърифатга қизиқтириб, ўргатиб боришга тўғри келади. Зеро, илму фаннинг қайси соҳасида бўлса ҳам қизиқиш пайдо қилиб, ўқиб, ўрганиб маълумот ҳосил қилган ҳар қандай инсон, албатта, одамийлик хусусиятларига маълум миқдорда бўлсада, эга бўлади. Аллоҳ таоло Куръони каримда:

قُلْ هَلْ يَسْتَوِي الَّذِينَ يَخْلَعُونَ وَالَّذِينَ لَا يَخْلَعُونَ

Айтнинг: «Биладиган зотлар билан билмайдиган кимсалар баробар бўлурми?!» – деб илм-фанга тарғиб қилади. (Зумар: 9)

Жаноби Расулulloҳ (с.а.в.) ҳам умматларига муурожаат қилиб:

اطلبوا العلم ولو بالصين طلب العلم فريضة على كل مسلم.

“Илм Чин-Мочин (Хитой)да бўлса ҳам, уни излаб топиб, эгаллангиз. Зеро, илмни талаб қилиш ҳар бир мусулмонга фарздир”, – деганлар. (Ибн Одий ва Байҳақий ривояти).

Шунинг учун ота-онанинг фарзандга нисбатан энг муҳим бурчларидан бири уни ёшлигидан бошлаб илм олишга қулай шароит яратиб бериш, улғайган сари бирор ўзига муносиб касбу ҳунар танлашга йўл кўрсатиб боришларидир. Ҳаммасидан ҳам муҳими илму ҳунар ўрганишлик билан бирга ахлоқ ва одоб фазилатларини тобора кўпроқ эгаллаб боришларида барчаларимиз ўз фарзанд ва набираларимизга яқиндан кўмаклашишимиз лозим бўлади. Аллоҳга шукрки, юртимизда илм-маърифат ўрганиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Барчаларимизга маълумки, бугунги кундаги ёшлар келажакда бизларнинг меросхўрларимиз ва ҳаётнинг барча соҳасидаги катта-кичик вазифаларни эгалловчи ўринбосарларимиздир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос табиати ва хусусиятлари бўлганидек, фан ва техника жадал тараққий этиб бораётган бизнинг асримизда ҳам ёшлар тарбияси алоҳида аҳамият касб этади.

Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касбу ҳунарлари билан бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам ўсиб бориши зарур. Ёш авлоднинг таълим ва тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат ҳукуматимизнинг ёки мактабларнинг эмас, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчларидан ҳисобланади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандини яхши, баркамол инсон бўлиб етишишини орзу қилади. Катта бўлиб жамиятдан ўзига муносиб ўринни топиб эгаллагач, ватанига содиқ, элу халқининг хизматига тайёр,



виждонли ва диёнатли бўлишлигини, албатта, ҳар бир фарзанд ўстирган ота-она ният қилади. Фарзандларни ёшлиқ чоғларидан бошлаб илму маърифатга кизиштириб, ўргатиб бориш лозим. Зеро, илм-фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиш пайдо қилиб, ўқиб ўрганиб маълумот хосил қилган киши, албатта ўзи оиласи, халқи ва ватани учун манфаат келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади.

Лекин ҳар бир ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига меҳр-оқибати ва тарбиявий муносабати бир хил бўлавермас экан. Айрим ота-оналар бола тарбияси хусусида жуда бепарволик қиладилар. Улар учун бу дунёда фақат ўз шахсий юмушлари, моддий маблағ тўплаш йўлидаги борди-келдилари биринчи ўриндаги вазифаю, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиялари билан шуғулланиш иккинчи даражали иш кўринади.

Халқимизда бир мақол бор: “Олим бўлиш осон, лекин одам бўлиш кийин”. Бинобарин, илму фан ютуқларини кўлга киритиб боришлик билан бирга инсонийлик, меҳру оқибат ва ахлоқий баркамолликка интилиб боришимиз лозим ишлардандир.

Шу ўринда балоғатга етмаган ёш болаларнинг масжидга чиқиши мақсадга мувофиқ эмаслигини, балки кўпроқ таълим олиш, маърифий салоҳиятини ошириш, жисмоний баркамолликка интилишлари зарурлигини кайд этиб ўтиш ҳам мавзуга доир деб ҳисоблаймиз. Бу борада Абу Хурайра (р.а.) Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилган ушбу ҳадисларини эслашимиз ўринлидир:

ان ابا هريرة يقول: قال رسول الله صلى الله عليه وسلم قال:

جنبوا مساجدكم الصبيان والمجانين

“Масжидларингиздан ёш болаларни, мажнун (эси паст)ларни узоқ тутингизлар”. (Имом Суютий ривояти.)

Дарҳақиқат, ушбу ҳадиснинг ҳикматини тажрибадан ҳам кўриш мумкин; масжиддан ибодатнинг

улуғворлиги, кадринаи тушунмайдиган ёш бола турли ножоиз хатти-ҳаракатларни қилиши, катталарнинг ибодатига ҳалал бериши, хаёлини чалғитишини воқеликда кузатиш мумкин. Бундан ташқари балоғатга етмаган ёш бола туриб қолган сафда ҳам макруҳлик вужудга келиши кўпчилик уламолар томонидан эътироф этилган. Масалага бошқа томондан қарасак, яъни ёш боланинг маълум балоғат ёшига етгунга қадар илм-фан, касбу ҳунар ўрганиши туфайли эришиладиган манфаатни тасаввур қиладиган бўлсак, юқоридаги ҳадиснинг ҳикматини англашимиз осон бўлади.

Илоҳо, фарзанд ва зурриётларимизни солиҳ авлодлардан қилиб, барча инсоний фазилатларга эга бўлиб боришларини ва келажакда ота-оналарига раҳмат ва мағфират ҳадя этувчи қобил фарзандлардан бўлишларини барчаларимизга насибу рўзий айласин! Омин!

### **Аёлларнинг кийиниш маданияти ва одоблари**

Маълумки, либос инсоннинг кўрки, маданийлик белгисидир. Албатта, ислом динида ҳам кийиниш одобларига алоҳида эътибор қаратилган. Кийим энг аввало авратни тўсиш, яъни инсоннинг бошқалар кўзидан яширилиши лозим бўлган уят жойларни беркитиш учун хизмат қилади ва у бадан ҳамда уят жойларни бекитиш даражасида фарз ҳисобланади. Қуръони каримда турли ижтимоий фойдалар ва жисмоний хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аёллар кийинишига оид бир неча оятлар нозил бўлган. Юртимизда анъанавий ҳисобланган ҳанафийлик мазҳабига кўра, аёлларнинг бош кийим сифатида рўмолдан фойдаланган ҳолда юз, қўл ва оёқларини очиб юришлари қабул қилинган. Бунга «Нур» сурасининг 31-оятининг далили бўлади:

وَلَا يُبَدِّلْنَ زِينَتَهُنَّ إِلَّا مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَلْيَضْرِبْنَ بِخُمُرِهِنَّ عَلَى  
جُيُوبِهِنَّ

“...Ҳамда кўриниб турадиганидан бошқа зийнатларини (яъни, уят жойларини ва устларидаги либосларидан бошқа зеб-зийнатларини номаҳрамларга) кўрсатмасинлар ва кўкракларини рўмоллари билан тўссинлар!..”.

Яъни, кўриниб турадиган, деганда юз, кўл ва оёк назарда тутилган. Бу ҳолнинг миллийлик хусусиятини ҳам касб этганини кекса онахонларимиз ва момоларимиз сиймосида кўриш мумкин. Аёллар либоси масаласида биз ҳеч иккиланмасдан ўз миллийлик хусусиятларимизни тарғиб этишимиз мумкин, чунки шаръий нуқтаи назардан либоснинг шаклу шамойили чекланмаган, балки аврат аъзолар ёпилса, шу кифоядир.

Аммо, юртдошларимиз орасида бу масалада билиб-билмай бошқа мазҳаблар йўлига эргашаётганлар ҳам йўқ эмас. Мазҳабдан мазҳабга ўтиб юришнинг зарарли оқибатлари ҳақида кези келганда тўхталамиз. Ҳанбалия мазҳабига амал қилувчи баъзи араб мамлакатларида аёллар ёпинчиғи масаласида қабул қилинган тамойиллар уларнинг ўз шароитига мос бўлиши мумкин, лекин бу ҳолатни бошқа юртларда жорий этишга уриниш турли ихтилофларни келтириб чиқаришдан бошқа нарса эмас. Баъзан ёпинчик, ҳижоб ниқобида ғаразли, ёвуз кимсалар томонидан турли қабих ишларнинг амалга оширилиши эса ҳанафийликда қабул қилинган тамойилнинг нақадар тўғри эканини исботлайди. Шунингдек, “гуруч курмаксиз бўлмайди”, деганларидек, минг афсуски, бошдан оёк қора ҳижобга ўралиб, шу ниқоб остида қора ишларни қилиб юрган аёллар ҳам бугунги кунимизда йўқ эмас. Албатта соғлом фикрли мўмина аёллар ана ўшаларнинг тақдирларидан ибрат олишлари лозим.

Шундай қилиб, бугунги кунда турли ихтилофларга сабаб бўлаётган хижоб хусусида фикр юритганда унинг луғатда “парда, ниқоб” маъноларини англатишини, уни аёллар кийими сифатида талқин қилиш жоиз эмаслигини айтиш мумкин. Бу сўзнинг Қуръонда ишлатилган маъноси ҳам фикримизни тасдиқлайди:

وَإِذَا سَأَلْتُمُوهُنَّ مَتَاعًا فَاسْأَلُوهُنَّ مِنْ وَرَاءِ حِجَابٍ

“...Қачонки, сизлар улардан (пайғамбар аёлларидан) бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўрангизлар...”. (Ахзоб: 53-оят). Оятда “хижоб” сўзи “парда” маъносида ишлатилмоқда. Бу ўринда ушбу оятнинг ҳукми ҳам Пайғамбар (с.а.в.) аёлларига хос эканини эсласак, фикримиз янада ойдинлашади.

Мусулмон кишининг қандай кийиниши борасида Пайғамбар (с.а.в.)дағ кўплаб кўрсатма ва тавсиялар ривоят қилинган: *“Либосларингизни чиройли қилинглар, от-уловларингизни яроқли тутинглар, юздаги холдек одамларга намуна бўлинглар”*. Ушбу ҳадис мазмунига кўра, ҳар бир мусулмон эркак ва аёл бошқаларга намуна бўларлик даражада кийинишга тарғиб этилмоқда.

*“Оқ либосни ихтиёр қилинглар, уни тирикларингиз кийсин, у билан ўликларингизни кафанлангизлар. Чунки оқ либос кийимларнинг афзалидир”*. Бу ҳадисда эса, очик рангли кийимларни кийишга тарғиб бор.

Шу ўринда кийиниш масаласидаги яна бир гайримиллий кўринишни ҳам тилга олишимиз жоиз бўладики, ҳозирги пайтда айрим киз-жувонларнинг ғарб давлатларига тақлид қилиб, енги ва этаги калта, кўкси очик кийимлар, гавда ва аъзоларини “кўз-кўз” қилиб турувчи тор ва юпка-ҳарир кўйлақлар кийишлари, энг ачинарлиси, кўкрак, киндик ва болдирларини очиб, ҳаммага намойиш қилиб юришлари на миллий мўътадилликка ва на мусулмончилик одобларимизга

мутлақо тўғри келмайди. Бу каби миллийликка зид кийинаётган аёлларимиз нафақат ўзлари учун гуноҳ орттирмоқдалар, балки ёш авлоднинг тарбияси, келажагимиз оналари бўлмиш ўсмир ёшидаги қизалоқлар онги, ахлокига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлари янада аянчлидир.

Бу ҳолатларни бартараф этиш борасида бугунги кунда миллий ва диний кадриятларимизга мурожаат этиш, шунингдек кекса отахон ва онахонларимизнинг ҳам панду насиҳатларидан истифода этиш лозим бўлади.

Аллоҳ таоло юртимизни обод қилиб, оилаларимизни мустаҳкам бўлишини насиб этсин, аёлларимизни барча ҳолатларда миллий кадриятларга ҳамда диний одобларга риоя қилган ҳолда ҳаёт кечиришларига муваффақ айласин! Омин.

### **Аёлларнинг жамоат бўлиб ибодат қилиши масалалари**

Аёлларга хос шаръий масалалардан бири, бу уларнинг жамоат намозида иштирок этиш ёки иштирок этмаслик масаласидир.

Ушбу масалага олдиндан мужтахид уламолар алоҳида эътибор қаратганлар. Бизнинг ханафий мазҳабимиз фуқаҳолари аёллар жамоат намозларида қатнашмасликларини макбул деб топганлар. Далил сифатида қатор ҳадислар ва фатволарни келтирадилар. Масалан, Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинган бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в.) шундай деганлар:

وعن ابن مسعود قال : قال رسول الله صلى الله عليه وسلم : صلاة المرأة في بيتها أفضل من صلاتها في حجرتها وصلاتها في مخدعها أفضل من صلاتها في بيتها . رواه أبو داود

*“Аёл кишининг ўз хос хонасида ўқиган намози ҳужрасида (бундан мурод умумий зал ёки ҳовли) ўқиган намозидан афзалдир. Хонасининг чекка бурчагида ўқиган намози хонасида ўқиганидан кўра ҳам яхшидир”* (Абу Довуд ва Термизий ривояти).

Аёлларнинг масжидлардаги жамоатга қатнашмаслигига тарғиб этиш маъноси қуйидаги ривоятда ҳам яққол ўз ифодасини топган: Ҳазрат Умар ибн Хаттоб (р.а.)нинг даврларида Ҳазрат Ойиша (р.а.) ҳузурларига бир гуруҳ муслима аёллар келиб: *“Нега Ҳазрат Умар (р.а.) аёлларни масжидларга бориб жамоат билан намоз ўқишларини тақиқлаб қўйди?”* – деб сўрашади. Ҳазрат Ойиша онамиз (р.а.) дархол Ҳазрати Умар (р.а.) ҳузурларига келиб мазкур савол билан мурожаат қилганларида, Умар (р.а.) жавоб бериб: *“Мен аёлларнинг масжидга қатнашларида шундай бир фитна ва номақбул ҳолатларни сездимки, агар Пайгамбаримиз (с.а.с.) ҳам шу нарсани сезганларида, ўша даврдаёқ аёлларга масжидга боришни тақиқлаб қўйган бўлур эдилар”* – деган эканлар. Шунингдек, шунга кўшимча равишда Ойиша онамиз (р.а.) нинг ўзларидан ҳам ушбу мазмундаги ривоятини айтиш мумкин:

وعن عائشة رضي الله عنها قالت : « لو أدرك رسول الله صلى الله عليه وسلم ما أحدث النساء لمنعهن كما منعت نساء بني إسرائيل ». رواه البخاري ومسلم.

*“Агар Пайгамбаримиз (с.а.в.) аёллар томонидан пайдо бўлган (фитна ва табарруж каби номақбул) ҳолатларни сезганларида, албатта Бани Исроил аёллари ман қилингани каби аёлларга масжидга боришни тақиқлаб қўйган бўлур эдилар”*. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти)

“Мухтасар ал-Виқоя” китобида жума намози фақат эркак кишиларга фарз, аёллар зиммасига фарз эмаслиги

қайд этилган. Айни шу асарда аёлларнинг ўзлари жамоат бўлиб ибодат қилишлари ҳам макруҳлиги зикр этилган. Уламоларимиз бу гапни изоҳлаб, аёлларнинг жамоатга тўпланишлари турли ноқулайчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади, деганлар. Шу мавзунинг давомида ёпи аёлларнинг мутлақо масжидга чиқиши, қари аёлларнинг эса пешин ва аср намозларига бориши макруҳлиги айтилади. Чунки қадимдан маълумки, ёш аёл-қизларнинг масжидга чиқишлари бирор фитнага сабаб бўлиши эҳтимоли кучли, қариб қолган аёлларнинг кечки, кўздан узок бўлган вақтлардаги намозларга боришларида эса фитна эҳтимоли йўқ. Лекин кейинги давр уламолари қари аёлларнинг ҳам мутлақо жамоат намозига чикмаганлари маъқул, деганлар. Бунга юқорида ҳам далиллар келтирилди.

Бинобарин, шариатимизда қайси нарсага буюрилган ёки нимадан қайтарилган бўлса, албатта, мусулмонларнинг фойдасига бўлиши, буйруқ ва тақиқлар ҳамда фатволар албатта илму ҳикмат асосида берилган эканига барчамиз иқрору тасдиқ қилишимиз зарур бўлади. Аёлларимизнинг ор-номуси, иззат ва шарафини ҳимоя қилиш мақсадида қадимдан амал қилиниб келинган шаръий фатволарга риоя қилиш ҳар биримизнинг исломий бурчимиз эканини доим ёдда тутишимиз лозим.

Аллоҳ таоло барчаларимизни шариат кўрсатмаларига амал қилган ҳолда умргузаронлик қилишимизни насиб этсин! Омин.

## **Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари**

Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий

ривожланган авлодни шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1096 сон ва 2009 йил 1 июлдаги “2009-2013 йилларда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ -1144 сон, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2009 йил 13 июлдаги 349-сонли қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси кўрсатмаларига асосан ҳозирда расмий фаолият олиб бораётган барча имом-хатибларимиз жойларда мазкур қарорларнинг ижроси юзасидан амалий ишларни бажармоқда. Соғлом оилаларни шакллантириш борасида маҳаллалардаги жамоатчилик кенгашлари билан биргаликда қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, оилаларда ота-онанинг фарзандлар тарбиясидаги бурчи ва вазифаларига бўлган масъулиятни ошириш, оила муқаддаслиги каби қадриятларни тарғиб этишда имом-хатиблар ва отинойиларнинг масъулияти янада оширилмоқда.

Никоҳ арабча сўз бўлиб, у эркак ва аёлнинг бирга, жуфт бўлиб яшашлари учун ўрталарида тузилган ақдни англатади. Никоҳ ҳақиқий бўлиши учун бўлғуси келин ва куёвнинг ўзаро розилиги, гувоҳларнинг иштирок этиши шартдир. Никоҳ ила оила куриш Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг суннатларидандир. Ҳазрати Оиша (р.а.)нинг У зоти муборақдан ривоят қилган ҳадиси шарифида:



النكاح سنتي فمن رغب عن سنتي فليس مني

“Никоҳ менинг суннатимдир. Кимки менинг суннатимдан воз кечса, у менинг умматимдан эмас”, – деганлар.

Бу ўринда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ масаласига эътибор қаратишни лозим топдик. Ислом уламолари ва фақиҳлар истилоҳида “ал-муҳаррамот минан-нисо”, яъни, “уйланишлик мумкин бўлмаган аёллар” ибораси мавжуд бўлиб, бу иборада маълум кишига нисбатан никоҳга олиш ҳаром қилинган аёллар тушунилади. Бу аёллар тоифаларини Аллоҳ таолонинг ўзи Қуръони каримда баён қилган:

حُرِّمَتْ عَلَيْكُمْ أُمَّهَاتُكُمْ وَبَنَاتُكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ وَعَمَّاتُكُمْ وَخَالَاتُكُمْ وَبَنَاتُ الْأَخِ وَبَنَاتُ الْأَخْتِ وَأُمَّهَاتُكُمْ اللَّاتِي أَرْضَعْنَكُمْ وَأَخَوَاتُكُمْ مِنَ الرَّضَاعَةِ وَأُمَّهَاتُ نِسَائِكُمْ وَرَبَائِبُكُمُ اللَّاتِي فِي حُجُورِكُمْ مِنْ نِسَائِكُمُ اللَّاتِي دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَإِنْ لَمْ تَكُونُوا دَخَلْتُمْ بِهِنَّ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْكُمْ وَخَلَائِلُ أَبْنَائِكُمُ الَّذِينَ مِنْ أَصْلَابِكُمْ وَأَنْ تَجْمَعُوا بَيْنَ الْأُخْتَيْنِ إِلَّا مَا قَدْ سَلَفَ إِنَّ اللَّهَ كَانَ غَفُورًا رَحِيمًا (٢٣)

“Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, опа-сингилларингиз, аммаларингиз, холаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, опа-сингилларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмишган опа-сингилларингиз, қайноналарингиз, жинсий алоқада бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари (мана шу санаб ўтилган аёлларга уйланиш ҳаром қилинди) – агар хотинларингиз билан жинсий алоқада бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан туғилган қизларга уйлансангиз) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларига (уйланишингиз) ҳамда опа-сингил алмашларингиз (яъни бирини талоқ қилмай туриб

бошқасига уйланишларингиз харом қилинди). Магар илгари ўтган бўлса (Аллоҳ афв этар). Албатта Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир”. (Нисо: 23)

Ояти каримадан кўришиб турибдики, бу чекловнинг асосий сабаби яқин қариндошлик бўлиб, у қуйидаги воситалар орқали вужудга келади: 1. Насл-насаб. 2. Эмизишлик. 3. Уйланишлик.

Биз миллий анъаналаримизда ҳам мазкур оят тақозо этган ҳукмга риоя қилинишини қайд этиш билан биргаликда мамлакатимизда амалда бўлган қонун ва қоидаларда ҳам бу маъно таъкидланганини кўришимиз мумкин. Оила Кодексининг I бўлим, 16-моддасида: “Насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, туғишган ва ўғай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида, шунингдек, фарзандликка олувчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида никоҳ тузишга йўл қўйилмайди”, дейилган.

Шу ўринда мазкур оятда зикр қилинмаган қариндошлар ўртасидаги никоҳ хусусида ҳам жиддий мулоҳазаларни айтиб ўтиш лозим. Тажрибаларга кўра, қариндошлар ўртасидаги никоҳ сабабли вужудга келган фарзандлар заифҳол, жисмонан ва ақлан носоғлом бўлиш эҳтимоли кузатилган. Насаб жиҳатидан бир-бирига бегона бўлган шахслар ўртасидаги никоҳдан туғилган болалар эса ҳолати заиф бўлмайди. Бунга сабаб сифатида яқин қариндошга уйланганда ўртада бўлган интилиш у қадар кучли бўлмаслиги эканини ҳам мутахассислар қайд этганлар.

Бундан ташқари, Аллоҳ кўрсатмасин, оилада келишмовчилик содир бўлиб қолса, қариндошлик алоқаларига ҳам зарар етиши ҳам мумкин. Куёв ва келин бир-бирига бегона оилалардан бўлса, уларнинг

баҳонаси билан уларнинг қариндош-уруғлари ҳам қуданда бўладилар, ижтимоий алоқалар ривожланади.

Ҳазрати Умар (р.а.) ас-Соиб авлодларининг бир-бирлари билан қуданда бўлишларини кўрганларида: *“яқин қариндошлардан уйланааяпсизлар, қариндош бўлмаган, ҳар томонлама иқтидорли кишилардан қуданда қилинглар”*, дедилар. Ҳазрати Умарнинг бу сўзлари уйланиш мумкин бўлган қариндошларга нисбатан айтилган эди.

Биз ушбу ҳақиқатларни эътироф этган ҳолда, турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналаримизга риоя қилиш билан бирга мамлакатимизда амалда бўлган қонун ва қоидаларга ҳам қатъий амал қилишимиз зарур бўлади. Дарҳақиқат никоҳ ва оила мавзуси доимо долзарб масалалардан ҳисобланиб келинган. Ислом динида ҳам, халқимизнинг менталитетида ҳам унга эътибор билан қараб, оила мустаҳкамлигини таъминлашда барча бирдек масъул бўлган.

Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари» тўғрисидаги фатвоси ҳам чиқарилган. Унда: «Шаръий никоҳ шартларига давлатимизнинг никоҳ ва оила тўғрисида қабул қилган қарор ва қонунлари ҳам кўшилади. Масалан, келин-куёв шаръий никоҳдан олдин никоҳни қайд қилувчи давлат идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий гувоҳнома олган бўлишлари лозим. Расмий никоҳдан ўтмаган, ФХДЁ гувоҳномасига эга бўлмаган баъзи ёш оилалар ажрашиб, она болалари билан кўчада қолиш ҳолатларини ҳисобга оладиган бўлсак, шаръий никоҳ шартларига ҳукумат томонидан берилган ФХДЁ гувоҳномасининг бўлишлигини ҳам муҳим шартлардан бири деб эътибор қилиш ўринлидир. Баъзи норасмий муллаларнинг ФХДЁ

гувоҳномасини суриштирмай никоҳ ўқишлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини камситиш бўлса, гувоҳномани кўриб, сўнгра никоҳ ўқишлари ҳуқуқий жамият барпо қилаётган бир вақтда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилишдир...”, – дейилади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг давлат қонунлари билан муҳофазаланган ҳолда қурилиши учун имом-хатибларимиз ҳам масъул экан, улар никоҳни ўқиш чоғида юқоридаги фатвога амал қилсалар, кўнгилсиз ходисаларнинг олди олинган бўлар эди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, бу масалага аввало, ота-оналар жиддий қарашлари, бир кунлик тўй дабдабаларини эмас, балки фарзандларининг бутун умрлик ҳаётларини ўйлашлари лозим. Шу билан бир қаторда тўй қуни шаръий никоҳни шошилинич тарзда эмас, балки тўй қунидан бир кун аввал ўқитсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки, имомларимиз никоҳ ўқирканлар, суннати набавияга мувофиқ никоҳнинг аҳамияти, унинг шартлари, оилани мустаҳкамловчи омиллар ҳақида сўзлаб, ёш келин-куёвларга панд-насихатлар қилишлари лозим бўлади.

Шу ўринда никоҳ тўйларини ўтказишда ҳам кўзга ташпланадиган баъзи камчиликларни эслаб, уларни бартараф қилиш чораларини кўриш лозим. Аввало, никоҳ масаласи ўта нозик эканини ҳисобга олганда, фақир ёки камбағал бўлиш никоҳдан қочишга ёки уни кечиктиришга сабаб бўла олмайди. Бинобарин, баъзи кишиларнинг “кўли калталиги”ни баҳона қилиб, никоҳни ортга суришлари мусулмончилик одобларига тўғри келмайди. Бу борада Аллоҳ таолонинг ушбу оятини эслаш kifоя:

إِنْ يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُغْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ (۳۲)

“...Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ ўз фазлидан уларни бой қилур, Аллоҳ (фазли) кенг, ўта билгувчи зотдир.” (Нур: 32.) Дархақиқат, ҳаётий тажрибада ҳам кўпчилик илгари бепарво юрган бўлса, оила қургач, жиддий ҳаракатга тушиб, иқтисодий аҳволини яхшилаб олганларига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Минг афсуски, кўпчилик ҳолларда никоҳ маросимлари керагидан ортиқ сарф-ҳаражатлар талаб қилганлиги сабабли никоҳ ортга сурилади. Дабдабавозлик, манманлик каби иллатларга берилиш оқибатида катта хатоларга йўл қўйилмоқда. Бу иллатлар никоҳнинг кечикишига сабаб бўлмаган тақдирда ҳам ҳаддан ошишга, исрофгарчиликка сабаб бўлмоқда. Никоҳ тўйдан асосий мақсад никоҳни эълон қилиш, кариндошлар, ёру-биродарларни чорлаб хайру-эҳсон дастурхонини ёзиш эканини ҳисобга олсак, бу борада Аллоҳ таоло меъёрдан ташқари ҳаражат қилиш, исрофгарчиликка йўл қўйишни ман этган. «Фурқон» сурасининг 67-оятда хайр-эҳсонда ўртаҳол бўлганлар Аллоҳга суюкли эканлиги таъкидланади:

وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا

(۶۷)

“Улар (Раҳмоннинг суюкли бандалари) эҳсон қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, (тутган йўллари) бунинг ўртасида – мўътадилдир”.

Давлатимиз қонунчилигида кўрсатилган қоидага кўра, тўйдан бир ой аввал икки ёш расмий никоҳдан ўтиш учун никоҳни қайд қилиш идораларига ариза топширади. Бу пайтда уларга тиббий кўрикдан ўтиш учун йўлланма берилади. Тиббий кўрик варақаси тўлатилган ҳолдагина фуқароларнинг расмий никоҳи қайд этилади. Давлатимиз томонидан яратилаётган бу каби шароитлар аслида соғлом турмуш тарзини

шакллантириш, бу орқали оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилган. Зеро, оилада йигитнинг ҳам, кизнинг ҳам ўзига хос ўрни, вазифалари бор. Бу вазифа ва масъулиятларини адо этишлари, соғлом зурриётларни дунёга келтиришлари учун эса, аввало, ўзлари соғлом бўлмоқлари даркор. Динимиз кўрсатмаларида ҳам оила курувчилари учун уларнинг соғлиги муҳим ва асосий шарт қилиб қўйилади. Демак, ёшлар оила куришларидан аввал малакали, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган шифокорлар кўригидан ўтишлари шарт. Бу ҳам келиннинг, ҳам куёвнинг, қолаверса жамият пойдевори ҳисобланмиш оиланинг эртанги куни учун муҳим омилдир.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳ маросимларини ўтказишда диний кадриятларимиз ва миллий анъаналаримизга риоя қилган ҳолда иш тутишимиз лозим. Аллоҳ таоло барчаларимизга ўзининг кўрсатмаларига мувофиқ амалда бўлишимизни насибу рўзий айласин! Омин.

### **Маърифатли аёл – баркамол авлод таянчи**

Аллоҳ таоло барча мавжудотлар катори инсонни ҳам жуфт, яъни эркак ва аёл қилиб яратган. Кишилик жамиятининг бир қисмини аёллар ташкил этар экан, ҳаётда турмуш юмушларининг кўп қисми улар зиммасидадир. Аёл – биринчи навбатда онамиз, қолаверса жуфту ҳалолимиз, опа-синглимиз, қизимиздир. Агар аёл ҳаётда ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом бўлса демак, жамият соғлом бўлади. Чунки, келажакнинг меваси бўлмиш фарзандлар оналар сабабли дунёга келадилар. Уларга бошланғич таълим-тарбия ва одоб-ахлоқни оналаримиз берадилар. Шундай экан, келажак авлоднинг солиҳ ва маърифатли бўлишлиги бугунги кун

аёлларининг маърифатли бўлишларига ҳар жиҳатдан боғлиқдир.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

النساء شقائق الرجال

яъни: “Аёллар эркакларнинг ажралмас бир қисмидирлар”, (Имом Аҳмад, Имом Термизий ва Абу Довуд ривоят) – деган ҳадисларига биноан аёл киши жамиятнинг ажралмас бир бўлаги экан, у ижтимоий ҳаётда ўз мавқеига эга бўлиб, илм олишга, касб-ҳунарли бўлишга ҳақлидир. Шунга биноан бугунги куннинг аёли ҳам унга берилган ҳақ-ҳуқуқлардан оқилона фойдаланиш билан бир қаторда, аёллик иффагини сақлаб, ўз шаънига доғ туширмасликка ҳаракат қилмоғи лозим. Афсуски, баъзи бир аёллар ўткинчи ҳавасга берилиб, оналик шаънига доғ тушириб, ўз жигар гўшаларини кўча кўйларга, меҳрибонлик уйларига ташлаб кетмоқдалар.

Яна баъзилари эса, “охират илмини ўргатамиз” деган сўзларни ўзига никоб қилиб олган баъзи нопок кимсаларнинг кўлига тушиб, мутаассибликка берилиб кетмоқдалар. Бундай аёллар Аллоҳ ва Пайғамбар улуғлаган сифатларга доғ туширмоқдалар, гуноҳга ботмоқдалар, жамият келажагини таҳдид остига қўймоқдалар. Уларни ҳимоялаш ва тўғри йўлга солишда эркаклар ҳам ўз масъулиятларини унутмасликлари лозим.

Модомики, аёлларимиз муносиб илму-маърифатли бўлишлари фарзандларимиз келажаги учун ҳам зарур экан, бу ишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Ота-оналар болалари мактабда бўлган вақтларида кўнгиллари хотиржам бўлиши аниқ, чунки бола болалигини қилиб, алдашини ютук деб билиб, уйда онасини, мактабда ўқитувчисини алдаб масжидга бораман, дейди. Ваҳоланки, у қаерга борганини ва ўша

онда нима билан шуғулланганини ҳеч ким билмайди. Айрим болаларнинг бири гиёҳванд, бири ўғри, яна бири мутаассибликка берилиб кетиши оилада назоратнинг сусайиши оқибатидан келиб чиқаётганини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур. Шундай қилиб, келажагимиз устида қайғурар эканмиз, ота-оналар ўз фарзандининг ҳар бир хатти-ҳаракатини, вақтини нималарга сарфлаётганини назорат қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, ислом дини инсонларни илм олишга, маърифатли бўлишга тарғиб қилувчи диндир. Пайғамбаримиз (с.а.в.)га нозил қилинган дастлабки оятларда ҳам илм олишга ундаш маъноси бордир. Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам ҳадисларининг бирида марҳамат қилиб: *“Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар динор ёки дирҳам мерос қолдирмаганлар, балки, илмни мерос қилиб қолдирганлар”*, – деганлар.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳу айтадилар: *“Илм мол-дунёдан кўра яхшироқдир. Чунки, илминг сени асрайди, мол-дунёни эса сен асрашинг керак бўлади. Мол-дунё сарф қилинса камаяди, илм эса ўзгаларга ўргатиш билан яна зиёда бўлаверади”*. (Абу Довуд ва Имом Термизий ривояти). Ҳақимлар: *“Илм ўрганинг, зеро у фақирликда давлат, бойликда зийнатдир”*, – деганлар.

Айрим кишилар илм деганда фақат диний илмларни назарда тутиб, мусулмончиликда дунёвий фанларнинг ўрни йўқ, деган нотўғри эътиқодда бўладилар. Аслида эса, диний илмлар ҳам, дунёвий илмлар ҳам Аллоҳнинг илми бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Ҳазрати Одам алайҳиссалом дунёвий илм туфайли



фазилатга эга бўлиб, фаришталарнинг таъзимига сазовор бўлдилар.

Шу ўринда айтиш лозимки, аёллар эркакларга караганда табиатан заифа бўлганлари учун ҳам Аллох таоло пайғамбарлик мақомини, нафақаи аҳли аёл масъулиятини, жамоатга имомлик қилиш, азон айтиш, намозни жамоат билан адо этиш, жума намозига бориш, талоқ бериш каби ҳуқуқларни аёллар зиммасига юкламаган.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, аёлларимиз ўз иззат ва шарафларини сақлашда миллий маънавиятимиз, қадриятларимизда мустаҳкам туриш билан бирга қадимдан амал қилиниб келинган шаръий фатволарга ҳам риоя қилсалар айна муддао бўлади, бу ҳол фарзандларимизни маънавий етук, эътиқоди соғлом бўлиб вояга етишининг пойдевори бўлади, иншаоллох.

### **Соғлом она – соғлом фарзанд**

Барчаларимизга маълумки, бугунги кундаги ёшлар келажакда бизларнинг меросхўрларимиз ва ҳаётнинг барча соҳасидаги катта-кичик вазифаларни эгалловчи ўринбосарларимиздир. Ҳар бир даврнинг ўзига хос табиати ва хусусиятлари бўлганидек, фан ва техника жадал тараққий этиб бораётган бизнинг асримизда ҳам ёшлар тарбияси алоҳида аҳамият касб этади.

Фарзандларимизнинг илмий савиялари, касбу ҳунарлари билан бир қаторда ахлоқий фазилатлари ҳам ўсиб бориши зарур. Ёш авлоднинг таълим ва тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш фақат ҳукуматимизнинг ёки мактабларнинг эмас, балки ҳар бир ота-онанинг ҳам муқаддас бурчларидан ҳисобланади.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг яхши, баркамол инсон бўлиб етишини орзу қилади. Катта бўлиб

жамиятдан ўзига муносиб ўринни топиб эгаллагач, ватанига содиқ, элу халқининг хизматига тайёр, виждонли ва диёнатли бўлишлигини, албатта, ҳар бир фарзанд ўстирган ота-она ният қилади.

Лекин ҳар бир ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига меҳр-оқибати ва тарбиявий муносабати бир хил бўлавермас экан. Айрим ота-оналар бола тарбияси хусусида жуда бепарволик қиладилар. Улар учун бу дунёда фақат ўз шахсий юмушлари, моддий маблағ тўплаш йўлидаги борди-келдилари биринчи ўриндаги вазифаю, оила аъзоларининг ахлоқий тарбиялари билан шуғулланиш иккинчи даражали иш кўринади.

Фарзанд тарбияси ҳақида олдинлари ҳам жуда кўп гапирилган, лекин бугун биз бу мавзуга яна бир бор тўхталиб, оналарнинг фарзанд тарбиясидаги бурчлари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз. Оналарга ҳам шариатимиз бир неча вазифаларни юклайди. Жумладан фарзанднинг соғлом ўсиши учун барча зарур моддаларни ўз таркибида мужассамлаштирган она сутидан маҳрум қилмаслик, чунончи Куръони каримда Аллоҳ таоло янги туғилган фарзанднинг онадаги ҳаққини баён қилиб марҳамат қиладики: **“Оналар болаларини тўла икки йил эмизадилар”** (Бақара: 233). Чақалоқни икки ёшигача она суги билан эмизиш нақадар фойдали эканига ояти каримада ҳам ишорат этилмоқда.

Ибн Абу Ҳомид (р.а.) Абдуллоҳ ал-Жухайнийдан қуйидаги қиссани ривоят қилади: “Биздан бир киши Жухайна қабиласига мансуб аёлга уйланган эди. У олти ойдан кейин бола туғди. Эри халифа Усмон (р.а.) нинг ҳузурларига келиб, бўлган воқеани айтиб берди. Халифа аёлни келтиришга одам юбордилар. Аёл туриб кийимларини кияётган пайтда синглиси йиғлай бошлади. У синглисига қараб: “Нега йиғлайсан? Аллоҳга

касамки, менга эримдан бошқа ҳеч ким қўл теккизгани йўқ. Аллоҳнинг ўзи нимани хоҳласа шу бўлади”, деди. Ҳазрати Усмон (р.а.)нинг ҳузурларига олиб боришганда уни (зинода айблаб) тошбўрон қилишга буюрдилар. Бу хабар Али (р.а.)га етганда ҳазрати Усмон (р.а.)нинг олдиларига келиб: “Нима қияпсиз?”, дедилар. Усмон (р.а.): «Бола олти ойда туғилди, шундай бўлиши ҳам мумкинми?», дедилар. Али (р.а.): «Агар бу аёл Куръондан далил келтирса, сиздан ғолиб келади», деб айтдилар. Ҳазрати Усмон (р.а.) “Қандай қилиб?”, деб сўрадилар. Али (р.а.): “Аллоҳ таолонинг “Унга хомиладорлиги ва уни (сутдан) ажратиш (муддати) ўттиз ойдир” деган сўзини ўқимаганмисиз? Оналар болаларини 2 йил тўлик эмизадилар, деганиничи? Шунда орадаги муддат олти ой қолмайдими?”, дедилар. Ҳазрати Усмон (р.а.): «Бу ёғини ўйламабман. Али бўлмаганида ҳалокатга учрар эканмиз”, дедилар.

Қадимда араблар одати бўйича онани эмизишга мажбур қилинмас эди, балки бошқа бир аёлга бериб эмиздиришар эди. Бу одат арабларда кенг тарқалган эди. Муҳаммад (с.а.в.)нинг оналари ҳам тирик бўла туриб, Саъд қабиласига мансуб Ҳалима исмли аёлга эмизиб, тарбия қилишга берилганлари ислом тарихидан маълумдир.

Онанинг бурчларидан яна бири фарзандга меҳрибонлик кўрсатиб, уни турли азият берадиган нарсалардан сақлаган ҳолда вақтида озиклантириб, ювиб-тараб, тоза кийинтириб, бетобланиб қолишига йўл қўймай, уни парвариш қилишда эринчоқлик ёки дангасалик қилмай доимо хушёр ва ундан хабардор бўлишлиқдир. Лекин афсуски, барча оналар ҳам ўз фарзандларига оналик меҳрини бахш этавермайдилар. Шундай аёллар ҳам борки, улар ўз болаларини бекордан-

бечор болалар уйларига топшириб юборадилар. Ушбу ишнинг бу дунёда қандай салбий оқибатларга олиб келишини ҳаётда кузатмоқдамиз, бундай оналар учун охиратда ҳам жазо муқаррар эканини унутмаслик лозим.

### **Аёлларнинг касб-ҳунар билан шуғулланиши**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги кафолатланиши билан бир қаторда, оналик ва болаликни муҳофаза этиш мақсадини кўзлаб, уларнинг бир қатор имтиёзли ҳуқуқлари ҳам белгилаб берилган. Жумладан, меҳнат қилишда оналарга шароит яратилиши, оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, жумладан, ҳомиладор аёл учун ҳақ тўланадиган таътиллар белгилаш, ёш болали оналарнинг иш вақтини аста-секинлик билан қисқартириб бориш билан боғлиқ ҳуқуқлар кафолатланган.

Хотин-қизларнинг имтиёзли ҳуқуқлари Конституция асосида қабул қилинган бошқа қонун ҳужжатларида ҳам мустаҳкамлаб қўйилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексиде хотин-қизларнинг меҳнатини тўғри йўлга қўйиш, ишга қабул қилишда турли чеклашларга йўл қўймаслик, ҳомиладор ва ёш болали аёлларга имтиёзли иш вақти белгилаш назарда тутилган бўлса, Оила кодексиде турмуш ва оилавий муносабатларда аёлнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги, оналикни муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантириш каби имтиёзли ҳуқуқлар мустаҳкамланди. 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Хотин-қизларларга қўшимча имтиёзлар тўғрисида»ги Қонунга кўра болаларни тарбиялаш учун шарт-шароит яратиш ҳамда хотин-қизларнинг меҳнатдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида уч ёшга тўлмаган

болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан иш вақтининг ҳафтасига ўттиз соатдан ошмайдиган қисқартирилган муддати белгиланди. Бу имтиёз аёлларни фарзанд тарбияси билан бир қаторда меҳнат фаолиятлари билан шуғулланишлари учун ҳам кенг имконият яратди. Ушбу қонунга кўра, аёлларнинг кўп йиллик меҳнатини қадрлаган ҳолда, 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёлларнинг 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи кафолатланди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини ҳамда сиёсий фаоллигини оширишга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 1995 йил 2 мартдаги фармонига кўра, хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамиятни бошқаришдаги иштирокини кенгайтириш, шунингдек, вазирликлар, идоралар, ҳудудий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг ушбу йўналишдаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари янги лавозими жорий этилди. Унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалаларни бошқариш юқланди. Шунингдек, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Бош вазирнинг ўринбосари этиб тайинланиши ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгеси раисининг ўринбосари ва ҳокимларнинг ўринбосарлари лавозимларини тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эгаллаши белгилаб қўйилди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Республикамизда хотин-қизларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳадаги фаоллигини рўёбга чиқариш учун етарлича имтиёзли ҳуқуқлар белгиланган. Бу ҳуқуқларни таъминлашда нафақат хотин-қизларнинг фаоллиги, балки, барча муассаса, корхона ва ташкилот раҳбарларининг хотин-қизларнинг имтиёзли ҳуқуқлари ижросини таъминлашга доир масъулиятини ошириш ҳам тақозо этилади.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишда аввало, уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, қачонки, аёллар ва қизлар ўзларининг ҳуқуқларини тўла билгандагина ундан фойдаланади ва бузилган ҳуқуқини ҳимоя қила олади. Бу масалаларни амалга оширишда жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қонунлардаги аёллар ҳуқуқлари ва эркинликларига доир меъёрларни доимий тушунтириб бориш бўйича тадбирлар самарадорлиги ошириб борилмоқда.

Ислом динида ҳам аёлларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли эканининг белгиси сифатида уларнинг эркаклар каби диний ва дунёвий илмлар олиш ҳуқуқига эга эканликлари эътироф этилганини қайд этиш лозимдир. Ислом аввалида ва ундан кейинги даврларда диний ва дунёвий фанларни эгаллаб, бошқарувда ёки турли соҳаларда ишлаб тараққиётнинг бир учини елкасида кўтариб юрган окила, фозила аёллар бўлганлигига тарих гувоҳдир. Айни кунларда ҳам аёлларимиз диний ва дунёвий соҳаларда билим олиш билан юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш, маҳалланинг етакчи фаолларидан бўлиб, ёшларни тарбиялаш, хотин-қизларга ибрат кўрсатиш шарафига муяссар бўлмоқдалар.

Жамиятимизнинг фаровонлиги бир жиҳатдан аёлларга ҳам боғлиқ экан, Аллоҳ уларни ўз ҳифзу химоясида сақлаб, уларга хайрли ва баракотли ҳаётни насиб қилсин.

Аёллар эркакларга қараганда табиатан заифа бўлганлари учун ҳам Аллоҳ таоло пайғамбарлик мақомини, нафақаи аҳли аёл масъулиятини, жамоатга имомлик қилиш, азон айтиш, намозни жамоат билан адо этиш, жума намозини адо этиш, айёми ташриқ кунлари такбирни жаҳран айтиш, тўлиқ гувоҳликка ўтиш, талоқ бериш ҳуқуқи каби ҳукмларни аёллар зиммасига юкламаган. Аёлларнинг маъсума ва заифалиги ўз навбатида эркаклар томонидан уларга алоҳида эътибор билан қаралишини тақозо этади.

Аёлларга фарзанд тарбиялашдек масъулиятли вазифа топширилган. Бир боланинг дунёга келиши билан, унинг энг аввалги тарбия мактаби онасининг қучоғидир. Болаларнинг тарбияси комил бўлиши учун аёлларимиз гўзал тарбия кўрган бўлишлари, хусусан тарбияли, фикрли бўлишлари лозимдир. Болалар тарбияси аёлларга махсус бир вазифа бўлгани учун бу тарбиянинг даражаси тарбия қилувчиларнинг билимлари даражасида бўлиши лозим.

Болалар тарбияси умумий тарбиянинг негизи бўлганидан “аёллар тарбияси комил бўлган жамият олға кетар”, деган қоидадан ҳеч тортишмай қабул этмоқ ҳар бир халқнинг бурчлари жумласидандир. Яхши таҳсил кўрган, хулқи кўркам бўлган аёл албатта ҳар ерда ҳурматга лойиқдир. Одоб инсоннинг зийнатидир. Маърифат инсоннинг ўзи бирла яшар. Одамгарчилик учун керакли бўлган номус, иффат, ҳаё каби фазилатларни ушлаб турувчи омил энг аввало илму маърифатдир. Олиму комил бўлганларнинг даражалари энг олийдир.

Ислом аёл кишини она сифатида улуғлаб, оилани ва соғлом жамиятни барпо этишнинг кўп соҳаларини унга топширди ҳамда жаннатни унинг оёғи остига қўйди. Шунингдек, аёлни хотин сифатида ҳам улуғлади. Эркакларнинг энг яхшиси хотинларга кўпроқ яхшилик қилганларидир, дейилган. Эрга хотинининг ҳурматини сақлашни, унга нафақа беришни юклади: оилада аёлнинг саодати кафолатли бўлишини, қийинчиликлардан ҳимоя қилишини ва хорликдан сақлашни топширди.

Ислом аёлни қиз сифатида ҳам улуғлади. Уни яхши тарбиялаш, одоб беришни ота-онанинг зиммасига юклади ва бу ишни жаннатга киришларига сабаб қилди.

Ислом дини аёлларнинг илм олишига катта эътибор қаратади. Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) айтганларидек, “Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир” (Ибн Одий ва Байҳақий ривояти). Шундай экан, жамиятнинг мақсади инсонларни Аллоҳ таолони танийдиган, амрига бўйсунадиган, миллат, дин ва Ватан манфаатларига хизмат қиладиган қилиб тарбиялашдир. Бунда аёлларнинг, оналарнинг зиммасига улкан масъулият ва вазифа юкланган. Шу сабабли, аёллар ва қизлар пухта илм олишга ҳаракат қилишлари ва олган билимларини фарзандларига етказишлари лозим. Ҳозирги кунда аёлларга ишлаб чиқаришда, шифохоналарда, мактаб ва тарбия муассасаларида ишлаш эҳтиёжи ортмоқда.

Илму ҳунар ўрганмоқ инсониятга лозим бўлган ишлардандир. Пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васаллам бу тўғрида кўп ҳадиси шарифлар билан илму ҳунарнинг қадрини англатиб, уни ўрганиш вожиб эканини одамларга билдирган ва ўрганишга буюрган. Бизни йўқдан бор қилган жаноби Ҳақни танимоқ, ҳар бир ишнинг ҳақиқатини англамоқ, одамларнинг ҳар



бир амал ва ишларида эзгусини-ю, ёвузини айириб билмоқ, одамларнинг қадрини билмоқ, дунё ва охираг ишларининг яхшиланувига тиришмоқ, гўзал турмуш яратмоқ, ҳар бир жиҳатдан яхши-ю, мукамал бўлмоқ учун одамларнинг илму хунар ўрганишга эҳтиёжлари бордир. Энди шундай бўлгач, аёллар ҳам илму хунар неъматидан ўзларига керакли улуш олишлари зарур.

Собик совет давридан фаркли равишда мустақил республикамиз аёллар учун фақат ижтимоий меҳнатни энг бирламчи вазифа қилиб қўймади, балки ҳозир аёл соғлом авлодни вояга етказиш, оқила уй бекаси бўлиш, шунингдек, бу масъулиятли бурчлардан воз кечмаган ҳолда меҳнатлари билан ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун ҳам барча шароитлар яратилмоқда. Аёл ўз ақл-идроки, меҳнатига кўра жамият тараққиёти, эл-юрт равнақининг гултождир. Бу эса аёл эртаю кеч эркаклардек меҳнат қилиши, оила эҳтиёжларини эркаклардек таъминлаши керак дегани эмас. Ислолда аёлни туғилганидан то умрининг охиригача керакли нарсалар билан таъминлаш эркаклар зиммасида эканлиги белгиланган. Огир меҳнатни бажариш ҳам эркаклар зиммасидадир.

وَلَا تَتَمَنَّوْا مَا فَضَّلَ اللَّهُ بِهِ بَعْضَكُمْ عَلَى بَعْضٍ لِلرِّجَالِ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبُوا وَلِلنِّسَاءِ نَصِيبٌ مِّمَّا كَسَبْنَ

«Аллоҳ бирингизни бирингиздан бирон неъмат билан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни (ҳасадгўйлик билан) орзу қилманг! Эркаклар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар, аёллар ҳам ўз касбларидан улуш олурлар». (Нисо: 32) Юқоридаги оят аёлларнинг ҳам касб қилишларига руҳсат берилганига далилдир.

Улуғ саҳоба Абу Бакр (р.а.)нинг қизи Асмо ҳам тирикчилик қилишда эрига ёрдам бериш учун

кўчага чикканида, унга Пайғамбар (с.а.в.) эътироз билдирмаганлари тарихдан маълум. Зеро, ислом аёлларнинг ҳурмат-эҳтиромини ўрнига қўйиб, аёллик жозибаларини саклаб қолишлари учун, аёллик вазифаларини тўлиқ адо этиш орқали ўз жамиятларига, ватанларига, динларига керакли хизматни адо этишлари учун барча шароитни яратиб берган. Муслима аёлларнинг ишлашлари, таълим олишлари ҳақида Имом Бухорийнинг «Ҳадис»лар тўпламида жуда кўп мисоллар келтирилган.

### **Ҳанафийлик мазҳабига кўра никоҳ одоблари**

Аллоҳ таоло Қуръони каримда оила ва никоҳнинг муқаддаслиги тўғрисида шундай баён қилади:

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ  
بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ (۲۱)

«Унинг оятларидан (яна бири) У зот сизлар ҳамдам бўлишларингиз учун ўзларингиздан жуфтлар яратиши ва ўрталарингизда ошнолик ва меҳр-муҳаббат пайдо қилишидир. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир». (Рум: 21)

Оила қуриш жаноб Пайғамбаримизнинг суннатларидан бўлиб, у зот ўз ҳадиси шарифларида никоҳланишга тарғиб этганлар: «*Никоҳланишлар, кўпайишлар, чунки қиёмат кунда умматимнинг кўплиги билан фахрланаман*» (Абу Нуъайм, Суютий ривояти).

Биз ушбу ҳақиқатни эътироф этган ҳолда турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналаримизга риоя қилиш билан бирга мамлакатимизда амалда бўлган қонун-қоидаларга ҳам қатъий амал қилишимиз зарур бўлади.

Аллоҳ таоло инсонларни ахлоқий бузуқлик қилишдан тўсадиган энг асосий омиллар қаторида ақдиникоҳни жорий этган. Ислом динига кўра, жамиятда вояга етган ўғил-қиз фарзандларини эътибордан четда қолдирмай уларни ўз вақтида никоҳга жалб қилишга шошилиш зарурлиги Қуръони каримда таъкидланган:

وَأَنْكِحُوا الْأَيَامَىٰ مِنْكُمْ وَالصَّالِحِينَ مِنْ عِبَادِكُمْ وَإِمَائِكُمْ إِنْ يَكُونُوا فُقَرَاءَ يُفْنِهِمُ اللَّهُ مِنْ فَضْلِهِ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ (۳۲)

Яъни, Ораларингиздаги никоҳсизларни ва қулу чўриларингиздан солиҳларини никоҳлаб қўйинг. Агар фақир бўлсалар, Аллоҳ уларни Ўз фазлидан бой қилур. Аллоҳ (фазли) кенг, ўта билгувчи Зотдир. (Нур: 32).

Никоҳ арабча сўз бўлиб, у эркак ва аёлнинг жуфт бўлиб яшашлари учун ўрталарида тузилган ақдни англатади. Никоҳ ҳақиқий бўлиши учун бўлғуси келин ва куёвнинг ўзаро розилиги, гувоҳларнинг иштирок этиши шартдир. Никоҳ ила оила қуриш Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидандир.

Маълумки, Аллоҳ таоло оламдаги барча нарсаларни жуфт-жуфт қилиб яратган. Қуръони каримда: “Сизлар эслатма олишларингиз учун Биз ҳар бир нарсани жуфт-жуфт қилиб яратдик”, дейилган (Зориат: 49).

Ҳанафийлик таълимотига кўра, шаръий никоҳдан ўтиш учун келин-куёвлардан талаб қилинадиган бир неча шарт ва одоблар бор. Улар қуйидагилар:

Никоҳдан ўтувчиларнинг оқил бўлишлари. Яъни ақллари жойида, руҳий касалликлардан холи бўлишлари. Бу ўринда никоҳланувчи никоҳнинг нима эканини, кимга никоҳланаётганини англаб етиши лозимлиги назарда тутилмоқда;

Ийжоб ва қабул. Яъни икки турмуш қурувчининг розиликлари;

Гувоҳлар. Яъни, келин-куёвдан ташқари энг камида икки эркак, ёки бир эркак билан икки аёл ҳозир бўлишлиги;

Куёвнинг оила тебратишга моддий жиҳатдан қодир бўлишлиги;

Махр. Яъни, куёвнинг келинга берадиган ҳаққи;

Никоҳ хутбаси ўқилмоғи.

Юқорида зикр қилинган шарт ва одоблардан бошқа никоҳ шартларига ҳам амал қилиш лозим. Жумладан, давлатимизнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қарор ва қонунларида келин-куёвнинг никоҳдан ўтиш вақтида балоғат ёшида бўлишлари (Ўз.Р. Оила Кодексининг 15-моддасида никоҳ ёши эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланган) ва шаръий никоҳдан олдин давлат никоҳни кайд қилиш ФХДЁ идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий никоҳ гувоҳномаларини олишлари шарт.

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи норасмий домлалар ўзбошимчалик билан юқорида айтилган никоҳ шартларини сўраб суриштирмасдан ёшларга никоҳ ўқимоқда. Натижада ёш оилалар ажрашиб, ўртада гўдаклар тирик етим, она эса бебахт бўлиб қолмоқда. Норасмий имомларнинг ФХДЁ гувоҳномасини суриштирмай никоҳ ўқишларини ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини камситиш деб тушуниш мумкин. Имом-хатибларимиз шариатнинг ушбу ҳукмларини (қонун-қоидаларини) ёш келин-куёвларга тушунтириб қўйишлари лозим бўлади. Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб никоҳ ўқишга мутасадди масжид имом-хатибларига қуйидагиларни тавсия этган бўлардик:

Никоҳни жоме масжид имом-хатиблари ёки расмий ноиб-имомлар ўқишлари;

ФХДЁ идоралари томонидан берилган гувоҳнома кўрсатилган тақдирда шаръий никоҳ ўқилиши;

Никоҳ жараёнида келин ва куёв тарафидан яқин кишилар гувоҳ сифатида қатнашишларини таъминлаш;

Никоҳдан ўтадиган оилаларни масжидда алоҳида никоҳ дафтарига қайд қилиниши;

Эр-хотиннинг оиладаги бурчларини тушунтириш.

Дарҳақиқат никоҳ ва оила доимо долзарб масалалардан ҳисобланиб келинган. Ислом динида ҳам, халқимизнинг менталитетида ҳам унга эътибор билан қараб, оила мустаҳкамлигини таъминлашда барча бирдек масъул саналган.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 1996 йил 9 июндаги «Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари» ҳақидаги фатвосида никоҳдан ўтиш маросими бизнинг диёримизда қадимдан миллий ва диний удумлар асосида амалга ошириб келинганини ҳисобга олган ҳолда, шаръий никоҳдан ўтиш учун ислом динимизда келин-куёвлардан талаб қилинадиган бир қанча шарт ва одоблар ҳам қайд этилганки, уни барча яхши билиб олиши ва унга амал қилиши зарурдир. Шунингдек, шаръий никоҳ тadbирларини жорий қонунчилигимизда кўзда тутилган талаб ва қондаларга ҳам мувофиқлаштириш зарур ишлардан ҳисобланади.

Демак, оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг давлат қонунлари билан муҳофазаланган ҳолда қурилиши учун имом-хатибларимиз ҳам масъул экан, улар никоҳни ўқиш чоғида юқоридаги фатвога амал қилсалар, кўнгилсиз воқеаларнинг олди олинган бўларди. Оила инсонларнинг бахту саодатини таъминловчи кўрғондир. Албатта, жамиятнинг бир бўлаги бўлган бу оилада эр раҳбар ҳисобланади: “Эркаклар хотинлар устидан (оила бошлиғи сифатида доимий) қоним турувчилардир.” (Нисо сураси, 34-оят) Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло эркак

кишини унинг жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан оила раҳбари бўлишга мос қилиб яратган. Оила қуриш ва унинг осойишталигини сақлаш, бу йўлдаги барча сарф-харажатлар ҳам эркак кишининг зиммасидадир. Шундай экан, у асосан, оиланинг ҳар томонлама мустаҳкам бўлиши учун масъулдир.

Аллоҳ таоло мусулмонларни ҳеч бир ишга беҳикмат буюрмайди. Жумладан, эркак кишига оиладек муқаддас даргоҳга раҳбар бўлишдек вазифани юклаб ва унга ўз раҳбарлигини шариатда кўрсатилгандек адо этишга буюриши билан, бундай оилаларни бахтли бўлишларига йўл кўрсатади. Аксинча, бугунги кунда эрлик вазифасини суиистеъмол қилган ёки умуман адо этмайдиган кишиларнинг оилалари бахтсизликка учраб турганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Никоҳ ва оила масаласига ота-оналар ҳам доимо катта аҳамият беришлари лозим. Улар ўз фарзандларини ёш жиҳатидан оила қуришга тайёр эканига тўла қаноат ҳосил қилиб, сўнгра никоҳдан ўтказишлари шарт. Бу ўринда давлатимиз қонунида белгиланган балоғат ёшини эътиборга олиш катта аҳамиятга эгадир.

Киши ҳаётида бир марта бўладиган умр савдоси бўлмиш никоҳ масаласи доимо кенг мушоҳада ва кенгаш билан амалга оширилгани маъқулдир. Шу ўринда пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидаги ҳадиси шарифларини эсга олиш жоиздир: *“Қизларни турмушга чиқарили тўғрисида оналари билан маслаҳатлашиллар”*.

Албатта, никоҳ тўйсиз бўлмайди. Бу қадимдан диёримизда миллий анъана сифатида давом этиб келаётган азалий удумдир. Бу ҳақида ҳам Пайғамбаримизнинг шундай ҳадислари бор: *«Никоҳда бир қўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат берилг»*. Шунинг учун ҳам икки ёш катта орзу-умидлар

билан турмуш кураётганини элга маълум қилиб тўй берилади.

Мустақиллик йилларида оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида кўплаб тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда 2008 йил 1 январда аниқланган рўйхатга кўра, 27 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди, шулардан 52 фоизини хотин-қизлар, 48 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Ўзбекистонда 6 миллион 300 мингдан ортиқ оила мавжуд. Конституциямизнинг 63-моддасида «**Оила жамиятнинг асосий бўғинидир, ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга**», деган қоида мустаҳкамлаб қуйилган. Оилалар тинч-тотув яшаса, жамиятга келтирадиган ютуқлари ҳам кўпаяди, фарзандлар яхши тарбия олади. Оилага ғамхўрлик қилиш ва унга ҳар тарафлама моддий ва маънавий ёрдам бериш инсонпарвар демократик давлатнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Президентимиз Ислон Каримов оиланинг жамиятдаги ўрнига баҳо бериб, шундай дейдилар: *«Оила – жамиятнинг негизи, бизнинг давлатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда ўзаро ҳурмат ва тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши ва муносиб яшаш мумкин эмас. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади, ўзининг кўп асрлик мустаҳкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг яшаш фаровонлиги тўғрисида эмас, балки ошласини, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшнилариининг омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик*

*қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир».*

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, никоҳ ва оила қуриш ижтимоий ҳаётда энг муҳим масалалардан биридир. Демак, никоҳда динимиз талаблари ҳамда ижтимоий қонун-қоидаларга риоя қилган ҳолда иш тутишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

### **Тўй ва маросимларни ўтказишда диний ва миллий анъаналарга риоя қилиш**

Никоҳнинг машҳур суннатларидан бири, элу юрт олдига бақадри имкон дастурхон ёзиб, зиёфат бермоқдир. Айниқса, келин тўйда пиширилган таомни ғанимат билиш керак. Чунки улуғларимиз бу зиёфатда жаннат неъматларидан бир улуш бор, дейишган. Ҳазрати Иброҳим (а.с.) ва Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) бу таом ҳаққига дуо қилганлари ривоят қилинади.

Албатта никоҳ тўйсиз бўлмайди. Бу қадимдан, диёримизда миллий анъана сифатида давом этиб келаётган азалий удумдир. Бу анъанамиз ҳам исломий кўрсатмаларга ҳамоҳангдир. Бу ҳақда Расулуллоҳ (с.а.в.) бир ҳадисларида: “Никоҳда бир кўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат беринг”, – деганлари ривоят қилинган.

Шу сабаб икки ёш катта орзу-умидлар билан турмуш кураётганлигини элга маълум қилиб тўй берилади. Аслида тўйлар, маросимлар ҳам маълум маънода жамият маданиятини, ахлоқини акс эттирувчи қадриятдир. Лекин бу меъёрида бўлгани яхши. Хўжакўрсинга, ким ошдига эмас. Халқимизда қадимдан бирор тўй ёки йиғин ўтказиш олдидан ёши улуғ, кайвони кишилар маслаҳатга йиғилиб, тўйни ихчам, камчиким қилиб, меҳмонларни ҳам кўнглини оладиган тарзда ўтказишга ҳаракат қилишган. Ҳозирда эса қуда чақирик, чарлар ва



шу каби турли ортиқча маросимлар баҳонаси билан икки куда томон бир-бирига қўш-қўш тоғоралар, сарполар жўнатиши, никоҳ сайри учун хўжакўрсинга турнакатор машиналар жалб этилиши жуда афсусланарли ҳол, албатта. Ахир бундай исрофгарчилик кимга керак?

Аллоҳ таоло Куръони каримда:

وَأْتِ ذَا الْقُرْبَىٰ حَقَّهُ وَالْيَتِيمَ وَالنَّسِيلَ وَلَا تُبْذِرْ تَبْذِيرًا  
(۲۶) إِنَّ الْمُبْذِرِينَ كَانُوا إِخْوَانَ الشَّيَاطِينِ وَكَانَ الشَّيْطَانُ لِرَبِّهِ  
كُفُورًا (۲۷)

“Қариндошга, мискин ва йўловчига (хайр-эхсон қилиш билан) ҳақларини адо этинг ва исрофгарчиликка мутлақò йўл қўйманг! Чунки, исрофгарлар шайтонларнинг биродарларидир. Шайтон эса Парвардигорига ўта ношукр эди”, – деб огоҳлантирган. (Исро сураси, 26-27 оят)

Шунингдек, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, мўътадил бўлиш мусулмон кишининг хусусияти бўлиши лозимлигини ҳам таъкидлаган:

وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا وَكَانَ بَيْنَ ذَلِكَ قَوَامًا  
(۶۷)

“Улар эҳсон қилганларида исроф ҳам, хаснелик ҳам қилмаслар, тутган йўллари бунинг ўртасида мўътадилдир”. (Фурқон сураси, 67-оят)

Демак, тўйларимизни ортиқча дабдабасиз, исрофгарчиликка йўл қўймаган ҳолда қилмоғимиз жоиз экан. Энг ачинарлиси, бундай “кимўзди” ҳаракатлар натижасида кўп ҳолларда тўй соҳиби қарз кўтаради. Ҳали қарздан қутулиб улгурмасдан “чарлар”, “келин кўрди” каби аёлларнинг орзу-ҳавас маросимларининг бошланиши эса кўплаб оилаларда моддий етишмовчилик, низо ва жанжалларга сабаб бўлаётганини гувоҳи бўлмоқдамиз. Албатта, Аллоҳ таоло ҳар бир

неъматига шукр қилишни Қуръони каримда буюради. Неъматларнинг қадрига етиб, тадаббур ва тафаккур қилишлик мўмин кишининг яхши фазилатларидандир. Аксинча, Аллоҳнинг берган неъматларини исроф қилиш оғир гуноҳлиги ҳақида эса юқоридаги оятлар хабар бермоқда.

Маҳалла фаоллари, имом-хатиблар ва албатта оналар яна шу нарсага эътибор беришлари лозимки, оила қуришга тайёргарлик кўраётган йигит-қизлар фақат кийим-кечак, уй анжомлари ва тўй сарфлари билан овора бўлиб қолмасдан келин-куёвлик одоблари, масъулият ва мажбуриятларини ҳам илмий асосда ўрганиб, уларни оилавий ҳаётларига татбиқ қилишга шай бўлсинлар.

Хулоса қилиб айтганда, никоҳ маросимларини ўтказишда диний қадриятларимиз ва миллий анъаналаримизга риоя қилган ҳолда иш тутадиган бўлсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

## II БОБ. ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ: АЁЛЛАРНИ ТУРЛИ ЗАРАРЛИ ҒОЯЛАР ВА ИЛЛАТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ

### Аёллар ва болаларни турли ақидапарастлик ғоялари ва диний оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, ўтган давр мобайнида Юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарликларида дин соҳасида амалга оширилган эзгу ишлар, қўлга киритган ютуқларимиз бир неча асрга татиғуликдир. Аллоҳ таолога беадад шукроналар бўлсинким, диёримизнинг истиқлолга эришуви ва жамиятимизда рўй берган ижобий ўзгаришлар мамлакатимиз мусулмонлари ҳаётида ҳам улкан бурилишларга сабаб бўлди. Халқимиз қалбида ислом динига меҳр-муҳаббат янада ортди. Албатта, бунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

وَأَمَّا بِنِعْمَةِ رَبِّكَ فَحَدِّثْ (۱۱)

“Раббингизнинг (Сизга ато этган барча) неъматини ҳақида эса (одамларга) сўзланг!” (Зуҳро: 11), – деб марҳамат қилган.

Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг солиҳ, маънавий баркамол инсон бўлиб вояга етишини орзу қилади. Ана шу орзу-умидларнинг рўёбга чиқишида ислом дини таълимотида баён қилинган кўрсатмаларга тўғри амал қилиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Жамиятда ғояларнинг турли-туманлиги билан бир қаторда ҳар хил диний оқимларнинг вужудга келиши эса маънавий ва диний вазиятни мураккаблаштириб

юборди. Бу хусусда Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: *«Энг ачинарлиси, мафкура соҳасида йўл қўйилган камчиликлар, муаммоларга юзаки қараш, ёшлар тарбияси ва уларнинг тақдирига бефарқ муносабатда бўлиш ёшлар орасида экстремистик диний оқимларга берилиш, гийҳвандлик, турли жиноятлар содир этилишига олиб келмоқда».*

Биз куйида мамлакатимиз худудида ўз бузғунчи ғояларини тарқатишга уринаётган баъзи диний оқимлар ва уларнинг жамиятимиз аъзолари, хусусан аёлларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсири ҳамда бунинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз юритмоқчимиз.

Ваҳҳобийлик диний-сиёсий оқим бўлиб, XVIII асрда Марказий Арабистоннинг Нажд воҳасида юзага келган. Ваҳҳобийлар бевосита дин номидан иш кўрган ва уни “тозалаш”, гўёки Пайғамбар давридаги асл ҳолатига қайтариш, барча арабларни яшил байроқ остида бирлаштириш каби ғояларни илгари сурган. Инглиз мустамлакачилиги бу вазиятдан ўз мақсадида фойдаланган: ғоя тарафдорларини қуроллантириб, Усмонли туркларга қарши жангга ташлаган. Шунинг учун ҳам улар Усмонлилар мансуб бўлмиш ҳанафий мазҳабини нотўғри мазҳаб деб эълон қилишган. Қандайдир доиралар манфаати йўлида исломдаги ўз биродарларини кофирга чиқаришгача бориб етишган.

Ваҳҳобийлар дунёвий маданиятга қатъий қарши туриб, мусиқа, театр ва тасвирий санъат билан шуғулланиш, бадий завқ-шавқ олиш каби ишларни кечирилмайдиган гуноҳ деб ҳисоблашади. Айни пайтда улар ҳокимиятни эгаллаш ва унинг воситасида ўз тартиб-таомилларини ҳаётга татбиқ этиш учун қатъий кураш олиб боришади, фақат бу ниятни амалга ошириш учун диндан восита сифатида фойдаланишади, холос.

Ваҳҳобийлар ҳаракати тарихда қолдирган қонли излардан бунга истаганча мисол келтириш мумкин. Маълумки, ислом дини мусулмонларни ҳамжиҳатликка, бағрикенг бўлишга даъват этади. Замонлар ўтиши билан бу бирдамлик айрим давлатларга ёқмай қолди, тўғрироғи, улар мусулмонлар якдиллигидан ҳайиқа бошладилар. Бир четда туриб қурол кучи билан араб давлатларига таҳдид солиш ҳеч бир фойда бермагач, қандай қилиб бўлмасин, мусулмонларни ичидан бузишга, низо чиқариб уларни бўлиб юборишга ҳаракат қилишди. Бунинг натижасида вужудга келган ушбу оқим, нафақат араб давлатларида, балки бутун ислом оламида қатор бузғунчиликларга сабаб бўлмоқда.

“Ҳизбут-тахрир” партияси бузғунчи, мутаассиб оқимлар тоифасидан бўлиб, унинг мақсади мусулмонлар ўртасини бузиш, улар орасида турли фитналарни тарқатишдир. Бу оқим ислом дини ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаган кишилар, хусусан ёшлар онгига халифаликни тиклаш ғоясини сингдириб, уларни мана шу ушалмас орзу-умидлар йўлида ўз моллари, куч-қувватлари, ҳатто жонларини ҳам қурбон қилишга тарғиб этадилар ва буни шаҳидлик, деб баҳолайдилар. 1952 йилда Фаластинда дунёга келган бу оқим ўша вақтнинг ўзидаёқ араб оламида кескин танқид ва қувғинга учради. Минг афсуски, ҳеч ким қабул қилмаган бу оқимни диёримиздаги айрим илмсиз кишилар, ислом динининг ҳақиқатидан беҳабар, мусулмонман дейишдан бошқа ўзининг мусулмонлигига бирон далил келтира олмайдиган ношуд ёшлар қабул қилдилар. Кўп ёшлар дин деб ўйлаб унга кириб кетдилар. Натижада мусулмон халқ орасида турли фитналар содир бўлди, бу фитналарга эса мана шу хизб асосий сабабчи бўлди. “Ҳизбут-тахрир”нинг даъватларига яхшилаб назар ташланса, исломга ёт нарсалар эканлиги маълум бўлади. Улар

Қуръон ва ҳадисдан далиллар келтирадилар, лекин ўз фойдалари учун, яъни умуман Қуръон ва ҳадис далолат қилмайдиган маъноларда тушунтирмоқчи бўладилар. Пировард мақсадлари эса маълум: ҳокимиятни қўлга олиш.

Агар Пайғамбар (с.а.в.) ҳаётига назар соладиган бўлсак, у зот Аллоҳнинг рисолатини инсонларга етказишда ҳокимиятга эришишни асосий мақсад қилмадилар. Ҳолбуки, агар пайғамбар бўлишларининг мазмуни ҳокимият учун кураш бўлганида, пайғамбарликнинг аввалги йилларидаёқ бунга эришган бўлардилар. Чунки Макка зодагонларининг ўзлари у зотга даъватларини тўхтатиш эвазига Макка шаҳри ҳокимлигини таклиф қилишган эди. Пайғамбар (с.а.в.) эса ундай қилмадилар, балки: *«Улар менга подшоҳ бўлишни ваъда қилибдилар, агар улар ўнг қўлимга қўёшни, чап қўлимга ойни қўндириб қўйсалар ҳам мен: “Ла илаҳа иллаллоҳ”дан қайтмайман. Менга уларнинг подшоҳликлари керак эмас»,* – дедилар. (Ибн Исҳоқ ривояти)

Аллоҳ ва Унинг Расули имон келтиришга ва солиҳ амалларни қилишга чақирганлар. Ҳеч бирлари халифалик қуришлар, ислом давлати қуришлар, кейин ҳамма ишни қиласизлар, демаганлар. Ҳақиқатан ҳам, яхши амаллар қилсак, ҳалол, пок бўлсак ислом тараққий топаверади, мусулмончиликка ҳавас ортаверади. Лекин, агар мусулмонлар турли фирқаларга бўлинсалар, уруш-жанжал қилсалар, мусулмонларнинг эмас, балки исломнинг шаънига доғ тушади. Ҳозир ислом ниқоби остида чиқаётган фирқаларнинг мақсади исломнинг номини булғаш, ёшларни шу фирқаларга кирғизиб, йўлдан уришдир. Минг афсуслар бўлсинки, улар ўзларининг бу қора ниятларига эришиш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан қайтмаяптилар.

«Ҳизбут-тахрир» аъзолари ўз йўлларини тўғри эканлигини исботлаш мақсадида яна Қуръони каримдаги:

وَلْتَكُنْ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ  
وَيَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ (۱۰۴)

«Сизлардан яхшиликка даъват этадиган, амри маъруф ва наҳйи мункар ишларини олиб борадиган бир уммат бўлсин! Айнан улар (охиратда) нажот топгувчидирлар» (Оли Имрон: 104) оятини келтиришади ва ундаги «Сизлардан... бир уммат бўлсин» буйруғини ўзгартириб, Аллоҳ таоло сизлардан бир ҳизб бўлсин, демоқда, дейишади.

Биз айтамызки, оятдаги «уммат»дан мурод уламолар жамоасидир. Имом деган сўз «уммат» сўзидан келиб чиққан бўлиб, унинг вазифаси ўз қавмини Қуръон таълимотига чақириш, яхшиликка буюриш, ёмонликдан қайтаришдир. Алҳамдулиллаҳ, мана етмиш йилдирки, бизнинг юртимизда бундай жамоат Диний идора сифатида фаолият юритиб келмоқда. «Ҳизбут-тахрир» оқими мазкур оятни бузиб талқин қилиб, ўша жамоат бизмиз, дейдилар. Лекин, амри маъруф, наҳйи мункар қилишга илмлари етмаслигини билмайдилар. Улар инсонларни яхшиликка буюраётганлари ҳам, ёмонликдан қайтараётганлари ҳам йўқ, балки мусулмонлар ўртасига фитна ва адоват солмоқдалар. Ачинарли томони шундаки, ҳизбчилар ўз мақсадларини амалга ошириш йўлида ёшлар ва аёллардан қўпол равишда фойдаланмоқдалар.

Ҳизбчилар ўзларича: «Ҳизбут-тахрир» бир жамоатдир, у Такиюддин Набаҳонийнинг ижтиҳодидир. Унга хоҳлаган одам кириши мумкин, деб даъво қиладилар. Лекин, ҳизб аъзоларидан бирортаси ҳақиқатни тушуниб қолиб, ҳизбдан чиқса, уни диндан қайтди, муртад бўлди, деб эълон қиладилар.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, ҳизбга асосан диннинг ҳақиқатидан беҳабар, диний илмлардан йироқ бўлган ёшлар кириб кетганлар. Бироқ улар ўзларининг илмсиз эканликларини тан олмайдилар, уларга диннинг ҳақиқати тушунтирилса, тушунишни хоҳламайдилар. Асарларда келтирилишича:

«Кишилар тўрт хил бўлади: Биринчиси, ҳамма нарсани билади ва билишини ўзи ҳам билади. У киши олимдир, унга эргашмоқ зарур. Иккинчиси, билади, лекин билишини ўзи билмайди. У гўё уйқуда ётибди, уни уйғотмоқ керак. Учинчиси, ҳеч нарсани билмайди ва билмаслигини ўзи ҳам билади. У жоҳилдир, унга ўргатиш керак. Тўртинчиси, ҳеч нарсани билмайди ва ҳеч нарсани билмаслигини ўзи ҳам билмайди. У аҳмоқдир, ундан қочиш керак», дейилган.

Ҳизбчилар айнан тўртинчи тоифадаги кишиларга ўхшайдилар. Уларни тўғри йўлга солишга қанчалик уринилмасин, буни тўғри қабул қилмайдилар. Исо (а.с) айтган эканлар: «Мен, Аллоҳнинг изни билан қанчадан-қанча беморларни даволадим, кўрларнинг кўзини очдим, ўликларни тирилтирдим. Аммо аҳмоқларни йўлга сола олмадим».

Дин, хусусан, ислом дини инсониятни эзгулик ва маърифатга чорлайди. Бу борада Президентимизнинг маънавиятимиз жавҳари бўлмиш муқаддас ислом динига берган таърифлари ҳам чуқур мазмунни ифода этади. У киши динимизнинг эзгулик, тинчлик, меҳру-оқибат дини эканлигини таъкидлайди: *“Айниқса, кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маданиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол сақлашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз”* (Юксак маънавият – енгилмас куч.



36-бет). Шу ўринда И.Каримов ислом динининг моҳияти ҳаққонийликка ва покликка чорлаши, бағрикенглиги, у фақат эзгуликка, халқ маънавиятини шакллантиришга, руҳий покликка хизмат қилиши керак эканлигини чуқур фалсафий тафаккур асосида изоҳлайди ва соф исломий маънавият қандай бўлиши керак эканлигини холис баён этади. Бугунги кунда ислом динини ниқоб қилиб олган фирқа ва оқимларга муқаддас динимизга ҳеч қандай алоқаси йўқ эканлигини баён этиб, тинчлик, меҳр-оқибатни ўзида мужассам этган динимизни турли ғаразлардан пок сақлашга ундаб: *“Шу нуқтаи назардан қараганда, муқаддас ислом динимизни пок сақлаш, уни турли хил ғаразли хуруж ва ҳамлалардан, туҳмат ва бўҳтонлардан ҳимоя қилиш, унинг асл моҳиятини униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизга тўғри тушунтириш, ислом маданиятининг эзгу гоёларини кенг тарғиб этиш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда”* – деган сўзлари эса биз учун дастуруламал бўлиши лозим. Зеро, дин одамларда ишонч ҳиссини мустаҳкамлайди. Уларни поклаб, юксалтиради. Ҳаёт синовлари, муаммо ва қийинчиликларни енгиб ўтишларида куч бағишлайди. Умуминсоний ва маънавий кадриятларни сақлаб қолиш ҳамда авлоддан авлодга етказишга ёрдамга келади.

Аслида вазифаси жамият ҳаётини изга солиб, фақат яхшиликларга, эзгуликларга чорлаш бўлган динларга диний экстремизм ва ақидапарастлик каби вайронкор хусусиятларни тиркаб қўллашга нималар сабаб бўлмоқда? Маълумки, экстремизм ва ақидапарастлик тушунчалари бир-бири билан боғлиқ бўлиб, муайян диний конфессия ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб, фанатик унсурларнинг фаолияти мафкурасидир. Ақидапарастлик ўз ақидасининг шак-шубҳасиз тўғрилигига ишониб, бошқа фирқа ва мазҳабларни бутунлай рад этган ҳолда уларни тан олмаслик, балки уларни диний асосларни

бузишда айблаб, уларга уруш очишга олиб борадиган омиллардандир. Бунда кўр-кўроналик ва энг ачинарлиси маълум динга мансублигини даъво қилиб, ундан никоб ўрнида фойдаланишни сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Мустақиллик йилларида юртимизда миллий ва диний кадрятларнинг тикланишига катта эътибор берилиб, бу нарса ҳукуматимизнинг устувор сиёсатига айланди. Кўплаб диний байрамларга оммавий тус берилди, телевидение ва матбуот томонидан диний масалалар тез-тез ёритила бошланди. Фуқаролар ўртасида диний илм ва анъаналарга қизиқиш кучайди. Бундан фойдаланиб, баъзи ғаразли шахслар маълум манфаатлар эвазига чет элдан юртимизга суқилиб кирмоқчи бўлган экстремистик оқимлар «даъватчи»ларига айландилар. Улар хорижликлар томонидан истаганларича маблағ ва диний адабиётлар билан таъминландилар. Бу ҳаракатлар тезда ўз оқибатини кўрсатди.

Модомики, биз ёшларимизни, Президентимиз айтганидек Имом Бухорийлар, Нақшбандийлар ва Яссавийлар таълимоти асосида тарбиялар эканмиз, биз уларни турли ислом никоби остидаги ғаразли гуруҳлар билан буюк аждодларимиз амал қилган ва бизларга ҳам тавсия этган мусаффо ислом ўртасини ажрата оладиган даражада билимли қилишимиз зарур бўлади.

Ислом дини номидан иш кўраётган экстремистларнинг диний борада фундаментал билимлари йўқлигига ишора қилувчи яна бир белги – бу доимий равишда торайтириш, мураккаблаштириш ва ортиқча тақиқлаш, тақиқлар доирасини кенгайтиришга уринишларидир, ваҳоланки Қуръони каримда Аллох таоло шундай марҳамат қилади:

وَلَا تَقُولُوا لِمَا تَصِفُ أَلْسِنَتَكُمُ الْكَذِبَ هَذَا حَلَالٌ وَهَذَا حَرَامٌ  
لِتَفْتَرُوا عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ إِنَّ الَّذِينَ يَفْتَرُونَ عَلَى اللَّهِ الْكَذِبَ لَا يَفْلِحُونَ  
(۱۱۶)

«Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқиш учун тилларингиз васф қилган ёлғонни гапириб: «Бу ҳалол, бу ҳаром», деяверманглар. Албатта, Аллоҳга нисбатан ёлғон тўқувчилар нажот топмаслар» («Наҳл», 116).

Экстремизм ўзининг юқори чўққисига кўтарилганда унинг аъзолари ўз атрофидагиларнинг дахлсизлигига тажовуз қилади, уларнинг қонини тўкиб, молини талашга журъат қиладилар, ҳеч қандай ҳурмат ёки шафқат кўрсатмайди. Бу ҳолатлар экстремистлар одамларни исломдан чиққанликда, куфрда ёки умуман имон йўқлигида айблаганда содир бўлади. Бундай қарашлар фанатизмнинг мустаҳкам қоясига айланади, натижада мутаассиб кишилар атрофдагиларни тушунмайдиган, улардан нафратланадиган бўлиб қоладилар.

Исломнинг дастлабки даврларидаёқ баъзи айирмачилар (хаворижлар) ана шундай тузокка тушиб қолган эдилар. Улар диннинг буйруқларига ҳаммадан кўп амал қилар эдилар, кундузлари сойим, тунлари қойим бўлар эдилар, Куръон ўқирдилар, бироқ қалбларининг кирлигидан эмас, балки тор фикрлаганлари туфайли адашиб кетдилар. Уларнинг жинойтлари кўзларига чиройли кўринар эди, шунинг учун улар биз тўғри иш қиляпмиз, солиҳ амал қиляпмиз, деб ҳисоблар эдилар. Уларнинг бу дунёдаги хатти-ҳаракатлари ҳақ йўлдан бурилиб кетди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам улар ҳақда шундай деган эдилар: *«Улар имондан худди камондан отилган ўқдек отилиб чиқиб кетадилар».*

Бугунги кун хаворижларини шу қадар аниқ таърифлаш мумкинки, кўпчиликнинг кўз ўнгига, афсуски, таниш чехралар келади: Улар ўз қарашларини

қабул қилмаган ҳар бир кишини ҳам, қабул қилиб, бироқ уларнинг жамоасига қўшилмаган, уларнинг раҳбарига байъат (қасамёд) қилмаганларни ҳам кофирга чиқарадилар. Уларнинг қарашларини қабул қилиб, уларнинг жамоасига кириб, имомига қасамёд қилган, кейинроқ эса бирор бир Ҷабаб билан бу жамоадан чиққанларни эса диндан қайтган муртадлар деб эълон қилиб, уларни ўлдириш ҳалол деб фатво чиқарадилар. Ривоят қилишларича бир аъробий Расулуллоҳ (с.а.в.) нинг ҳузурларида шаҳодат калимасини айтиб, имонга келади ва исломда буюрилган амаллар ҳақида сўрайди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) унга: *“Кунда беш вақт намоз ўқи, рамазон рўзасини тут, молинг нисобга етса йилда бир марта закот бер, йўлга қодир бўлсанг умрингда бир марта ҳаж қил*», – дедилар. Аъробий: «Бундан бошқа яна қандай фарзларни бажаришим керак?» – деб сўради. Расулуллоҳ (с.а.в.): *«Булардан бошқа фарз йўқ, аммо ўз ихтиёринг билан нафл ибодатларни бажаришинг мумкин*», деб жавоб бердилар. Шунда аъробий: «Аллоҳга қасамки, мен бу амалларни беками кўст адо этаман», деди. Расулуллоҳ (с.а.в.) саҳобаларга: *«Қайси бирингиз жаннатий инсонни кўрмоқчи бўлсангиз мана бунга қаранг. Агар у айтган сўзининг устидан чиқса, албатта жаннатга киради*», деб бояги кишига ишора қилдилар.

Экстремистларнинг динни яхши билмасликлари қаторига ҳаётдаги воқеликни, тарихни, Аллоҳнинг яратиш қонунларини яхши билмаслиги қўшилганда ижтимоий хомхаёллар вужудга келади, қарабсизки, улар ҳеч қачон амалга ошмайдиган нарсани хоҳлаётган ва асли йўқ нарсани талаб қилаётган, амалга ошмас нарсани орзу қилаётган, воқеаларни аслидан бошқача тушуниб, уларни калласига ўрнашиб қолган, на Аллоҳнинг яратиш қонунларига ва на шариятга асосланмаган

саробларга кўра талқин қилаётган бўлади. Улар бутун жамиятни, унинг онгини, қонунларини, анъаналарини, маънавиятини, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тузумини ўз тасаввуридаги усуллар ва хаёлий услублар билан ўзгартиришни хоҳлайди. Агар улар Расулуллох соллаллоху алайҳи васалламнинг сийратларига мурожаат қилсалар эди, у зотнинг Маккада ўн уч йил давомида фақат даъват ва тарбия билан шуғулланганларини кўрган бўлардилар.

«Янги аср вабоси» деб ном олган диний экстремизм, ақидапарастлик ва халқаро терроризм иллатига қарши халқаро ҳамжамият илгари ҳеч қачон кузатилмаган даражада бирлашган бугунги кунда, сайёрамизда давом этаётган аксилтеррор ишларини келтириб чиқарган сабаблар, ушбу воқеаларнинг туб мазмун-моҳияти ҳақида ҳолис ва соғлом тушунчага эга бўлиш мамлакатимиздаги ижтимоий сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамланишига хизмат қилиши муқаррар. Дин ниқоби остидаги халқаро террорчиларнинг бизга бевосита кўшни ҳудудларда ўрнашиб олгани барчамизни алоҳида огоҳликка даъват этади.

Юқоридаги иллатлардан узоқ бўлиш учун биз доимо илму-маърифатга интилиш, ҳар бир ишда, хусусан динда ҳам мўътадил, бағрикенг бўлишни, катталарга ҳурматда бўлиш, хусусан ота-онани эъзозлаш каби эзгу амалларни тарғиб этишда бардавом бўлишимиз зарур.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.): *«Отага итоат қилиш – Аллоҳга итоат қилишдир. Унинг олдида гуноҳ қилиш – Аллоҳ олдида гуноҳкор бўлиш билан баробардир»*, – деганлар. Яна айтганлар: *«Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккисини ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қилиб, жаннати бўлиб олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин»*. Мазкур ҳадислардаги тарбиявий ўғитларга қарамай, баъзи ғаразли оқимларга

кириб қолган ёшларимиз ота-оналарини беҳурмат қилиш даражасигача бормоқдалар. Бу эса исломнинг инсонпарварлик ғояларини обрўсизлантиришга сабаб бўлмоқда.

Шунингдек, аёлларимиз ва ёшларимизга соф исломни тушунтириб бера олишимиз керак. Ислом мусаффолиги деганда, диннинг ўзи соф экани, у инсонларни мусаффоликка, холисликка чақиришини тушунмоқ лозим. Мусулмонман деган кишилар динга холис ва сидқидилдан ёндашмоқлари, Аллох таолонинг:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا ادْخُلُوا فِي السِّلْمِ كَآفَّةً وَلَا تَتَّبِعُوا خُطُوَاتِ الشَّيْطَانِ

**«Эй имон келтирганлар! Ёппасига итоатга киришингиз, шайтоннинг йўлига юрмангиз»** (Бақара: 208), деган чақириғига лаббай деб жавоб бермоқликлари лозим. Ўтган пайғамбарларнинг умматларида бўлгани каби, дин кўрсатмаларини баъзисига амал қилиб, баъзисини тарк этиш мумкин эмас.

Холбуки, ҳозирги кунда мусулмонликни даъво қилиб ислом дини қоралаган ишларни қилаётган, жумладан, ўз-ўзини ўлдираётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Биз биламизки нафақат ўзини, балки ўзгалар тинчини ҳам бузиш мумкин эмас. Пайғамбаримиз (с.а.в.): *«Ҳақиқий мусулмон бошқа мусулмонларга тили билан ҳам, қўли билан ҳам озор етказмаган кишидир»*, – деб марҳамат қилганлар. (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти).

Диндан дунёвий мақсад учун фойдаланиш, дин ниқоби остида динга ёт бўлган ишларни амалга ошириш аслида мунофиқ кишиларнинг, дин душманларининг ишидир. Бу ишлари билан улар одамларни диндан бездириб, бошқаларни диндорларга нисбатан салбий

назар билан қарашларига сабаб бўладилар. Бугунги кунда баъзи бир мутаассиб оқим вакиллари динни ўзларича талкин қилиб, ғулуга бориш билан турли тоифа ва фирқаларга бўлиниб, мусулмонлар орасига қанчадан қанча кўнгилсизликлар чиқарганликлари маълум.

Тарихдан маълумки, қарматийлар деган тоифа чиқиб улар Маккаи мукаррамада ҳаж қилаётган кишиларни ўлдириб, уларнинг танасини Зам-зам кудуғига ташлашган. Мусулмонлар учун муқаддас саналмиш Каъбадаги қора тошни ўрнидан кўчириб олиб, ўз ватанларига ўғирлаб кетганлар. Бир неча йилдан сўнггина у маълум миқдордаги маблағ эвазига қайтариб олиб келиб яна ўз жойига ўрнатилган. Демак, динда ғулуга кетиш, мутаассибликка берилиш, динда бўлмаган ишларни диндан деб, уни бузишга уриниш қанчалик кўнгилсиз ҳолатларга олиб борар экан. Ўзларини мусулмонман деб айтишга лойиқ кишилар биринчи навбатда пайғамбарлар бўлсалар, улар ҳам: **«Айтинг: «Мен Аллоҳга динни унга ҳолис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганман. Яна, (мен) мусулмонларнинг аввали бўлишга буюрилганман», (Зумар: 11-12) деб эътироф этадилар.**

Ислом динининг мусаффолиги, шунингдек, унда барча инсоний фазилатларнинг мужассамлиги инсонларни гўзал ахлоқ-одобга тарғиб қилишидадир. Ҳадисда *«Агар ҳаё қилмасанг, хоҳлаган ишингни қилавер»*, дейилган. Маълумки, инсоний фазилатларнинг энг улуғи бу ҳаёдир. Ориятсиз, имони заиф одамдан ҳар қандай қабих ишлар содир бўлиши ҳеч кимга сир эмас. Ориятсиз кишида вафо бўлмайди, пайти келганда ўз виждонидан ҳам, ватанидан ҳам, динидан ҳам кечиши мумкин. Мусулмонликни даъво қилса-ю, аммо ахлоқ-одоби бузуқ бўлса, жумладан,

Ўзгаларга нисбатан адоват ва нафрат назари билан қараса, унинг мусулмончилиги мукамал бўлмайди. Ривоят килинишича, бир куни саҳобалар Расулуллоҳ (с.а.в.)га: «Бир аёл бор. У нафл намоз ўқишни, нафл рўза тутишни, нафл садақа беришни сира канда қилмайди. Аммо, кўча-куйда ҳали у кўшниси, ҳали бу кўшнисига тили билан озор беради», дейишди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.): «*У хотин дўзахийдир*», дедилар. (Имом Аҳмад). Ҳусни хулқ деганда, нафақат инсонларга яхши муомалада бўлиш, ўзгаларнинг оғирини енгил қилиш, балки, бировга зиён етказмаслик, ёмонлик қилишдан ўзини сақлашликни ҳам тушунмоқ лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ислом динининг ҳар бир жамиятга ва ҳар бир замонга муносиб мослашишини асосий сабабларидан бири унинг инсон табиати хусусиятларини ҳисобга олганидадир. Аллоҳ таоло инсонларга динни уларни қийнаш ёки азоблаш учун эмас, балки дунёда Аллоҳни таниб, ҳалол ва пок ҳамда хотиржам ҳаёт кечиришлари учун нозил қилган. Исломни шиор қилиб олган фирқаларнинг ўзларига эргашган гумроҳларни дунё ҳаётидан бездириб, уларни одамлардек яшашдан чалғитишлари, дин шунга буюрган, деб турли бузғунчиликлар қилишга ундашлари, ўзгаларнинг ҳаётига хавф солишлари ислом таълимотига асло тўғри келмайди. Аллоҳ таоло барчамизни ҳақ йўлдан адаштирмасин, адашган ёшларимизни ҳидоятга бошлаб, мўмин-мусулмонларимизни фитналардан ўзи асрасин.

### **Гиёҳвандлик – аср вабоси**

Ислом инсониятни барча ёмонликлардан сақланадиган, илоҳий амрларни адо этадиган, ихтиёрий равишда яхши амалларни қилишга рағбат қиладиган, виждонли, ўта сезгир, иродаси маҳкам,



ақли соғлом, хулқи чиройли, жисми бақувват, ўзига аҳамият берувчи ва бошқаларни ислох этувчи, динига химматли, жамиятга наф келтирувчи, Ватанини ҳимоя қилувчи, умматига қалқон бўлувчи, Раббисига ибодат қилувчи, барча халойиққа яхшилик этувчи, ер юзини обод қилувчи, ўзига юклатилган вазифани мукаммал адо этувчи бўлишга даъват этади.

Ислом шариатида инсон жони ва ақлини сақлаш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Шунга биноан шариатда жон ва ақл ўз вазифасини мукаммал равишда адо этишида риоя қилиши лозим бўлган илоҳий кўрсатмалар батафсил баён этилган. Агар мусулмон киши Аллоҳ таолонинг бу ҳаётий тавсияларига риоя қилса, унинг икки дунёда ҳаёти намунали кечади ва жамият олдида инсон деган улуғ номни эъзозлаган бўлади. Зеро, Ҳақ таоло Куръони каримда инсонни бошқа мавжудотлардан кўра ақли ва мукаррам қилиб яратиб, уни денгизу қуруқликларга молик этиб, унга чиройли ризқ-руз берганини эслатиб айтади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا (۷۰)

“Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) мундириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп жонзотлардан афзал қилиб қўйдик” (Исро: 70).

Агар инсон жон ва ақлини эҳтиётлаш борасидаги мана шу мувозанатни бузилишига сабаб бўладиган салбий йўлларга қадам қўйса, албатта у ўзига омонат қилиб топширилган буюк неъмат жон ва ақл неъматига хиёнат қилган бўлади ва ўзини ҳалокат сари ташлаган бўлади. Гиёҳвандлик ушбу неъматнинг заволига сабабчидир.

Зеро, бу Аллоҳ ризосига зид амалдир. Улуғ Аллоҳ азва ва жалла барчамизни огоҳлантириб айтади:

وَلَا تَلْقُوا بِأَيْدِيكُمْ إِلَى التَّهْلُكَةِ

“... ўз кўлларингиз (бахиллигингиз) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз!..” (Бақара: 195).

Бошқа бир оятда эса:

وَلَا تَقْتُلُوا أَنْفُسَكُمْ إِنَّ اللَّهَ كَانَ بِكُمْ رَحِيمًا (۲۹)

“... ўзларингизни (бир-бирингизни ноҳақ) ўлдирмангиз! Албатта, Аллоҳ сизларга раҳм-шафқатлидир” (Нисо: 29), – дейди.

Бу оятдаги “ўзларингизни ўлдирмангиз!” жумласи бир неча хил тафсир қилинган:

1. “Бир-бирингизни ўлдиришингиз ўзингизни ўлдирганингиз билан баробардир. Зеро, ҳаммангиз Аллоҳнинг бандаларисиз”.

2. “Ўз жонингизга ўзингиз қасд қилмангиз”. Яъни ҳаёт кийинчиликларига бардош бера олмай ёки бирор нарсанинг аламига чидаёлмай ўзини ўзи ўлдириш тақиқланмоқда. Ёки шаръан руҳсат этилмаган ҳар қандай гиёҳвандликка муккасидан кетиш ҳам шулар жумласидандир.

3. “Мол-мулкларингизни ўзаро ноҳақ йўллар билан ейишингиз ўзингизни ўзингиз қатл қилишингиз билан баробардир”.

4. “Ҳавойи нафсга берилмангиз. Зеро, бу сизларни ҳалокатга олиб келади” (Насафий, Мадорикут-танзил... тафсири). Яъни ақл, молни ҳалокатга олиб келувчи воситалар орқали котил бўлишлик.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг деярли барча жойларида тарқалган гиёҳвандлик офати инсон жони ва ақлини ўз вазифасини адо этишидан маҳрум қилиб, ҳаётга эндигина қадам ташлаб келаётган азиз фарзандларимизни ногирон бўлиб қолишларига олиб келмоқда.

Бу малъун одатга аёл зотининг ружу кўйиши оқибатлари эса ўта салбий ва аянчли бўлиши билан алоҳида эътиборга моликдир. Насл давомчиси ҳисобланадиган аёллар, қизларнинг бу захри қотил билан заҳарланиши келажак авлодларга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Фарзандларнинг турли нуқсонлар билан ногирон туғилиши чидаб бўлмас ҳолдир.

Маълумки, ислом таълимоти инсон ҳаёти учун фойда келтирмайдиган, ақл-ҳушини карахт қиладиган ҳар қандай кайф берувчи моддани зарарли деб билади ва уни истеъмол қилишдан қайтаради. Бунинг далили сифатида Умму Салама (р.а.)дан ривоят қилинган ушбу ҳадисни зикр қилишимиз жоиз:

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ ، قَالَتْ : نَهَى رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ  
عَنْ كُلِّ مُسْكِرٍ وَمُفْتِرٍ

*“Пайгамбар (с.а.в.) ҳар қандай маст қилувчи, баданни бўшаштирувчи ва сусайтирувчи нарсаларни истеъмол қилишдан қайтардилар”* (Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривояти.)

Уламолар бу ҳадиснинг арабча матнида зикр этилган “муфтирин” лафзи инсон аъзолари фаолиятига салбий таъсир этувчи нарсага нисбатан айтилади, шунинг учун ҳам бу ҳадиси шариф ҳар қандай турдаги гиёҳвандлик ҳаром эканлигига далолат қилади. Шу сабаб ҳам уни истеъмол қилиш шаръан ножоиздир, деганлар.

Инсон сиҳат-саломатлиги ва ақлига зарар қиладиган гиёҳвандликнинг ҳар қандай кўриниши шаръан ман қилинишига Бурҳониддин Марғиноний каби олиму уламолар иттифоқ қилишган.

Имом Бадриддин Заркаший ҳам ўзининг китобида гиёҳвандликнинг зарар ва офатлари ҳақида батафсил маълумотлар берган. Жумладан, ҳозирда гиёҳвандлик инсонга ҳар томонлама зарар беришини ғарб ва шарқ табиблари бир овоздан тасдиқламоқдалар. Гиёҳвандлик

ва унинг кишилар айниқса, ёшлар ўртасида тарқалиши олдини олиш мақсадида БМТ ҳузурида гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши халқаро ҳайъат ташкил этилган. Мазкур ҳайъат томонидан ҳар йили эълон қилинаётган маълумотларга қараганда жаҳонда гиёҳвандлик ва унга боғлиқ бўлган жиноятлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам гиёҳвандликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳамда гиёҳвандликка мубтало бўлганларни даволаш борасида ягона дастур ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Давлатимизнинг оқилона сиёсати жамият фуқароларининг ҳар томонлама мукамал, соғлом, олийжаноб фазилатлари, юксак тафаккури ва маънавияти, ижтимоий фаоллиги билан ажралиб турадиган намунали жамият бўлишига қаратилган. Мана шу ҳалқчил сиёсатга асосланган ҳукуматимиз барча турдаги гиёҳвандликка қарши изчил кураш олиб бормоқда. Оммавий ахборот воситалари орқали дунёда “аср вабоси” деб ном олган гиёҳвандликнинг инсон соғлиғига зарар ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида баралла айтилмоқда ва кенг сурада тушунтирилмоқда.

Азиз ватандошлар! Инсон ҳаёти, айниқса, ёшларимизнинг келажагига раҳна солиши мумкин бўлган гиёҳвандликка қарши курашиш Ватанимиз ҳар бир онгли фуқаросининг, қолаверса ҳар биримизнинг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиб ҳисобланиши лозим. Зеро, жамият ҳаётида мавжуд бўлган зарарли иллатни йўқ қилиш ва унинг олдини олиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг шарафли бурчидир.

Бу ҳақда Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) марҳамат қилиб айтганлар: *“Сизлардан ҳеч бирингиз ўзи севган нарсани биродарига ҳам бўлишини истамагунча, ҳақиқий мўмин бўлмайди”* (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривояти). Мана бу ҳадисдан биз шу нарсани

тушунишимиз керакки, яъни, ўзига раво кўрган фаровон ҳаёт, соғлиқ ва саломатликни бошқаларга ҳам раво кўриш, уларни ҳалокатга етакловчи иллатлардан қайтариш ҳақиқий мўминлик аломатларидандир.

Бугунги, гиёҳвандлик катта таҳдид солиб, келажак авлодларимизни ҳам ўз домига тортиш хавфи тугилиб турган бир пайтда ҳаммамиз бу офатга қарши курашишимиз лозим.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси: каттаю кичик, эркагу аёл, ёшу қари, амалдору оддий фуқаро, ҳамма-ҳамма гиёҳвандликка қарши курашда иштирок этмоғи кечиктириб бўлмас заруратдир. Гиёҳвандликка қарши курашдек савобли ишга ҳар ким қўлидан келганича ўз хиссасини қўшмоғи лозим. Албатта, масъул тарафлар бу курашни йўлга солиб, мувофиқлаштириб бориши керак. Қисқаси, ҳамма бир жон, бир тан бўлиб, «Йўқолсин гиёҳвандлик!» шиори остида бирлашмоғи керак. Гиёҳвандлик каби ижтимоий иллатларга қарши олиб бораётган саяю-ҳаракатларимиз самарали бўлишида Аллоҳ таоло барчаларимизга мададкор бўлиб, катта муваффақиятларни ато қилсин! Омин.

## **Миссионерлик фаолиятининг олдини олиш масалалари**

Миссионерлик ҳақида гап кетар экан, аввало ушбу тушунчанинг луғавий ва истилоҳий маъноларини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу сўз лотин тилидаги “missio” феълидан олинган бўлиб, “юбориш”, “вазифа топшириш”, миссионер эса “вазифани бажарувчи” деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуини билдиради.

Турли луғатлар ва манбаларда миссионерликка кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг деярли барчасида миссионерликка хос хусусиятлар тавсифланиши баробарида, бу сўз асосан христиан дини билан боғланади. Жумладан, ҳар йили қайта нашр этиладиган «World Book» («Жаҳон китоби») энциклопедиясида «Миссионер – бирор диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон», – деган фикр қайд этилган. 2005 йилда Москвада нашр этилган «Кирилл ва Мефодийнинг катта энциклопедияси»да эса «Миссионерлик – бирор диний бирлашма вакилларининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш ҳаракати», – деган таъриф келтирилган.

Умуман олганда, турли луғатлар ва манбаларда баён этилган таърифлар бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлиб, уларга таянган ҳолда қуйидаги хулосани чиқариш мумкин: миссионерлик – бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

Мамлакатимизда жорий қонунлар динлараро муносабатларда жуда ҳам адолатли ёндашув асосида қабул қилинган. Янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги» Қонуннинг 5-моддасида: *«Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро муроа ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришига, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришига қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди»*, – деб аниқ белгилаб қўйилган қондани кўришимиз мумкин.

Худди шу моддада прозелитизм ва миссионерликнинг ҳар қандай кўринишлари тақиқланиши алоҳида қайд этилади: *“Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар”*.

Прозелитизм – бу тўғридан-тўғри бирон бир динга ишонган фуқарони ўз динидан воз кечишга ва ўзга динни қабул қилишга мажбур қилишдан иборатдир.

Мазкур Қонуннинг 19-моддасида экстремизм ва миссионерлик мақсадларига хизмат қилувчи ҳар қандай воситалар чекланиши кўрсатилади: *“Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик зоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади”*.

Тарихнинг турли давларида ҳар хил кўринишларда олиб борилган миссионерлик ҳаракатлари бугунги кунга келиб глобал тус олганлиги ва баъзи мамлакатларнинг сиёсий-ижтимоий муҳитига жиддий хавф солаётгани яққол сезилмоқда. Мутахассислар фикрича, бунда XIX–XX асрларда юзага келган кўплаб протестантлик оқимлари фаол ўрин эгаллаётгани айтилади.

Маълумки, инсоният тарихида XIX–XX асрлар кўплаб йирик давлатлар ўз таъсир доираларини кенгайтириш учун мустамлака мамлакатларда аёвсиз курашлар олиб борган давр бўлди. Бу жараёнда Осиё ва Африка мамлакатлари асосий кураш майдонига айланди.

Бу курашлар замирида ҳеч кимга сир эмаски, асосий мақсад сиёсий устунликни қўлга киритиш, пировард натижада нефть маҳсулотлари ва шу каби моддий энергия захиралари устидан назорат ўрнатиш учун улар жойлашган ҳудудларга ўз таъсирларини ўтказишга ҳаракат қилишдир.

Ушбу мулоҳазадан келиб чиққан ҳолда йирик давлатлар айнан шундай геосиёсий мақсадларни амалга ошириш йўлида миссионерликдан фойдаланаяптилар, десак муболаға бўлмайди.

Ушбу мақсадга эришиш учун христиан миссионерлари томонидан кўп йиллик дастурлар ишлаб чиқилган. Шундай лойиҳалардан энг йириги бу «10/40 ОИНА» режасидир<sup>1</sup>.

Режага биноан христиан миссионерлари инжиллаштириш фаолиятида асосан шимолий кенгликнинг 10 ва жанубий узунликнинг 40-даражалари орасида жойлашган ҳудудларга алоҳида аҳамият берадилар.

Демак, миссионерларнинг асосий мақсадига эришиш йўлида маълум давлатларда ўзларига тарафдорларни кўпроқ йиғиш, улар орасида ғарбона, христиан ҳаётини тарғиб қилиш ва шу орқали жамиятда хайрихоҳ бўлган гуруҳларни шакллантиришга жиддий эътибор қаратмоқдалар.

Муайян ижтимоий гуруҳларни танлаб олиш ва улар билан мақсадли ишлаш миссионерлик стратегиясининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, протестант миссионери Р.Адлер “Ҳаворий Павлус даврида ва ҳозирги кунда миссионерлик методлари” китобида ёзишича, Хитойда “Қўллаб-қувватлаш жамияти” номли миссионерлик ташкилоти зиёлилар

---

<sup>1</sup> Қаранг: Ж.Нажмидинов. Миссионерлик: кеча ва бугун. Тошкент. Тошкент ислом университети, 2008. – Б. 29.



ва мансабдор шахсларни ўзига жалб қилиш орқали муваффақиятларга эришган.

“Дунё операцияси” китобининг муаллифи, таникли миссионер П.Джонстоун эса, талабаларни миссионерлик фаолиятининг асосий объекти деб қараб, жумладан, шундай дейди: “Бутун дунёда университет ва коллежларда 37 миллион талаба таҳсил олади. Уларнинг кўплари 20 йилдан сўнг йирик мансабларни эгаллашади”. Дарҳақиқат миссионерлар ўз фаолиятида талабалар ва ёшларга катта аҳамият берадилар<sup>2</sup>.

Миссионерлар ўз фаолиятлари орқасида сиёсий ёки иқтисодий мақсадлар ётганини умуман тан олишмайди. «10/40 Ойна» ҳудудига кизиқишларини улар диний нуқтаи назардан асослашга уринадилар. Хусусан, уларнинг фикрларича, ушбу ҳудудда “Библия”даги кўп воқеалар содир бўлган. Худо илк инсонлар Одам ва Ҳаввони шу ҳудудга туширгани, Исо Масих туғилиб ўсиб, ўз хаворийлари билан фаолият олиб боргани ҳамда илк масиҳий черкови шу ерда пайдо бўлгани ҳақидаги фикрлар шулар жумласидандир. Бу ҳудуд курукликнинг 1/3 қисмини ташкил қилиши, 4 миллиард аҳоли истиқомат қилиши, дунёдаги энг кам инжиллаштирилган 50 давлатнинг 37 таси шу ҳудудда жойлашгани ҳам бу халқларга «Нажот келтирувчи Хушхабар»ни етказиш зарурлигига “асос” сифатида келтирилади.

Бу гаплар асл мақсадни яшириш учун бир ниқоб, холос. Аслида асосий мақсад ушбу ҳудудлардаги халқларни инжиллаштириш орқали уларнинг бирдамлигига путур етказиш, ички низоларни келтириб чиқариш орқали уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш ва қарам этишдан иборат.

Жамият тараққий этиб, юксалиб боргани сари миссионерлик ҳам унга мос равишда замонавий фан-

---

<sup>2</sup> Қаранг: Ўша асар. – Б. 35.

техника ва технологиялардан усталик билан фойдаланган ҳолда ўз услуб ва воситаларини такомиллаштириб бормоқда. Жумладан, хайрия ёрдамлари кўрсатиш миссионерликдаги энг қадимий ва самарали усуллардан бири ҳисобланади. Бунда турли хил маърифий тадбирлар уюштирилиб, уларга асосан ёшлар жалб этилади. Иштирокчиларга христиан адабиётларини ҳам ўз ичига олган совғалар улашилади, тадбир сўнгида албатта ибодат ва Библия ўқиш ҳам бўлади. Зилзила, тошқин, очарчилик каби офатларнинг содир бўлиши миссионерлар учун айтилган муддао ҳисобланади. Қаерда юқоридагидек ҳолатлар юз берса ўша ерга биринчи бўлиб миссионерлар етиб боришади. Дастлаб улар ўзларини беғараз ёрдам кўрсатаётганларини кўз-кўз қилиб, аста-секин асл мақсадларини кўрсатадилар.

Миссионерларнинг ёшлар билан ишлашда бир неча усуллари мавжуд: талабалар, болалар учун миссиялар, ёзги оромгоҳлар шулар жумласидандир. Ҳозирги кунда “Халқаро христиан оромгоҳлари” ассоциациясига МДХ нинг 7 мамлакатидан 177 оромгоҳ аъзо бўлган. Ушбу оромгоҳлар дастури шундай ишлаб чиқилганки, мавсум охирига бориб у ерда дам олган бола христианликни қабул қилади.

Интернет тармоғида ҳам миссионер ташкилотлар ўз саҳифаларига эга. Ушбу сайтларда миссионерларга турли маслаҳатлар, жумладан мусулмонларни протестантликка ўтказиш ҳақида тегишли кўрсатмалар ва миссиология бўйича ўқув курслари бериб борилади.

Дин миллий маънавиятнинг таркибий қисми, миллатни бирлаштириб турувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бир тилда гаплашадиган, умумий тарих ва ягона давлатга эга бўлган, аммо турли динларга ёки диний йўналишларга эътиқод қиладиган миллатлар ҳамон ички миллий бирликни таъминлай

олмаётгани, кичкина бир сабаб қайта-қайта низоли вазиятлар ва фуқаролар урушининг келиб чиқишига замин яратаётгани ва мамлакатлар ўз тараққиётида ўнлаб йилларга орқада қолиб кетаётгани ҳам шундай хулоса чиқариш имконини беради. Масалан, Ливан аҳолисининг 90 фоиздан ортигини араблар ташкил этади. Расмий тил араб тили ҳисобланади. Аммо ливанликларнинг бир қисми исломга (сунний, шиа, друз), қолган қисми христианликка (марсоний, православ, католик) эътиқод қилиши натижасида миллий бирликни таъминлаш қийин кечмоқда. Мамлакатнинг амалдаги қонунчилигида давлат бошқарув идораларининг диний белгилар асосида шакллантирилиши мустаҳкамлаб қўйилгани эса, кўпгина ҳолларда хилма-хил омиллар таъсирида унинг тўлақонли фаолиятига тўсиқ бўлмоқда. Муслмонлар ва христианлар ўртасида вақти-вақти билан келиб чиқаётган фуқаролар уруши эса бу бирликни таъминлашни янада мушкуллаштираётгани фикримизнинг исботи бўла олади.

Масаланинг ана шу жиҳатига эътибор берилса, миссионерлик ҳаракатлари ортида диний заминда миллатни ичидан бўлиб ташлашга қаратилган ғаразли сиёсий мақсадлар ётганини ва у келтириб чиқарадиган фожиаларни англаб етиш мумкин.

Бу, миссионерлар ўз олдиларига қўйган мақсадларга эришадиган бўлсалар улар фаолият олиб бораётган мамлакатда ҳам халқнинг парокандаликка юз тутиши ва маънавий таназзулнинг келиб чиқиши мумкинлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини беради. Миссионерларнинг бугунги кундаги фаолияти ҳеч бир минтака, ҳеч бир давлат бундай таҳдиддан холи эмаслигини кўрсатади. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун эса миссионерликнинг моҳиятини тўғри ва

чуқурроқ англаш, уни бартараф этиш йўлида мақсадли, тизимли ва тадрижий фаолият олиб бориш зарур бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

لَا إِكْرَاهَ فِي الدِّينِ

Яъни, “Динда мажбурлаш йўк” (Бақара, 256), деб миссионерлик фаолияти, динга мажбурлаб киритиш мумкин эмаслигини баён этади.

Ислом дини мусулмонларга бошқа самовий динларга, уларнинг пайғамбарларига, муқаддас китобларига имон келтиришни фарз қилиш билан бирга, ўша динларга эътиқод қилувчи кишиларга ёмонлик қилмаслик, улар билан яхши муомалада бўлиш, яхши қўшничилик қилиш, зиёфатга чақириш, оилавий алоқалар ўрнатишга ҳам ижозат беради. Мажбурий тартибда динини ўзгартиришга асло йўл қўймайди.

Хулоса қилиб айтганда, миссионерлик фаолиятининг олдини олишга ҳар бир фуқаро ўз ҳиссасини қўшиши, унинг салбий оқибатларидан барчамиз огоҳ бўлишимиз зарурдир.

### Имоми Аъзам мазҳаби ҳақида

Аллоҳ таоло Қуръони каримда:

إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ

«Аллоҳдан бандалари орасида уламоларгина кўрқурлар...» (Фотир, 28), деб хабар берган.

Шунингдек, Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Аллоҳ бирор бандасига эзгуликни истаса, уни динда фақиҳ (фиқҳ илми олими) қилади», «Аллоҳ ҳар юз йил бошида Унинг динини янгилаб турадиган зотни юборади», деганлар.

Ушбу ояти карима ва ҳадиси шарифларда айтилган таъриф бизнинг имомимиз, суннийларнинг пешвоси ва дунёнинг кўп мамлакатларида, хусусан, Ўрта Осиё

минтақасидаги мусулмонларнинг диний-ижтимоий ҳаётларида ўн уч асрдан бери мусулмонлар тутиб келаётган ҳанафий мазҳабининг асосчиси Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳга ҳам тегишли десак, ҳеч муболаға қилмаган бўламиз.

Муҳаққиқ фақиҳ, фазилатли олим Собит ўғли Нўъмон ҳижратнинг 80-йилида Куфа шаҳрида (Ироқ) дунёга келди. У ёшлигиданоқ илм олишга маҳкам бел боғлади ва шу билан бирга касби кор қилиш ҳаракатида ҳам бўлди. У таҳсили илмдан бўш вақтида тижорат ишлари билан шуғулланди. Абу Ҳанифа чуқур ва мукаммал илм ҳосил қилгач, таълим бериш ва масалаларни ҳал қилиш билан мунтазам машғул бўлди.

Бу зоти шарифнинг фикҳ илми ривожига қўшган буюк ҳиссаларини таърифу тавсиф қилишга қалам ожиздир. Зеро, ҳижрий сананинг иккинчи юз йиллиги бошидаёқ етук олим бўлиб етишган Абу Ҳанифа шариат аҳкомларини истинбот қилишда замондош уламоларнинг тафаккурига келмаган усулларни ислом оламига тақдим қилдилар. У ҳам бўлса, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларда учрамайдиган ҳаётий масалаларни «раъй» ва «қиёс» усули билан ҳал этиш эди. Бу фикҳ илмида оламшумул воқеа эди. Бутун дунё фуқаҳолари шу кунга қадар ўзларининг илмий, назарий ва амалий фаолиятларида ундан самарали фойдаланиб келмоқдалар.

Фикҳ фанининг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган кўплаб алломаю уламолар Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳни буюк устоз деб биладилар ва чуқур ҳурмат-эҳтиром билан тилга оладилар. У зотнинг бой меросларини ўрганиш ва омма орасида тарғибу ташвиқ қилиш билан ислом оламидаги кўпгина тадқиқот марказлари ва исломий муассасалар мунтазам шугулланиб келмоқда.

Ўзбекистон диёрида истиқомат қилаётган мусулмонларнинг қарийб ҳаммаси ҳанафий мазҳабига

мансуб экани барчамизга маълум. Афсуски, истибдод даврида мазҳабимизнинг асосчиси Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг илмий ва амалий фаолиятларини чуқурроқ ўрганиш имкониятидан маҳрум эдик. Истиклол шарофати билан бугунги кунда, мазҳабимиз асосчисининг илмий ва амалий фаолияти билан кенг оммани яқиндан таништирувчи кўплаб китоб ва рисоалар нашр этилди.

Имоми Аъзамнинг (р.а.) имону эътиқод масалаларига дахлдор ўта аҳамиятли фикрларини яхши билмаслик баъзи бир ёшларимиз орасида бошқа мазҳабларга тақлид қилиш каби салбий ҳолатлар вужудга келишига ва оқибат натижада мусулмонлар ўртасида ихтилофлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Ислом тарихидан маълумки, ихтилофлар халқлар бошига қанчадан-қанча балою офатлар ёғилишига олиб келган. Ихтилофчилик туфайли қатор саҳобаи киромлар, Пайғамбаримиз (с.а.в.) авлодлари ва йирик уламои киромларнинг ҳаётига ноҳақ тажовуз этилишлар бунга яққол мисолдир. Афсуски, ҳозир ҳам баъзи бир ёшларнинг исломий билимларни тўла ўзлаштирмаган кимсалар таъсирига берилиб, бошқа бузук мазҳабларга тақлид қилиш ҳоллари учрамоқда.

Ҳаётий тажрибалар шуни такозо этадики, биз учун энг тўғри йўл Имоми Аъзам (р.а.)нинг чизиб берган йўлларида оғишмай юриш, у зотнинг кўрсатмаларини маҳкам ушлаш, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Абу Ҳанифа кунyasi билан дунёга ном таратган зотнинг асл исмлари Нўъмон ибн Собит ибн Зуто ибн Моҳдир. Тарих китобларининг хабар беришича, боболари Зуто афғонистонлик форсийлардан бўлиб, Ҳазрат Али (р.а.) инъом қилинган хизматкорлардан бири бўлган. Арабларнинг одатлари бўйича ҳурмат ва эҳтиромнинг ифодаси сифатида бир-бирларининг исмлари билан эмас, балки кунyлари билан мурожаат

киладилар. Куня – «ота» ёки «она» деган сўз билан бошланади ва фалончининг отаси, фалончининг онаси деган маънони англатади, у лақаб эмас. Демак, Абу Ҳанифа дегани Ҳанифанинг отаси деганидир. У кишининг вафотларидан сўнг мазҳаблари мустақил мазҳаб сифатида шакллангач, уни ҳанафий мазҳаби ва унга тақлид қилган мусулмонларни «ҳанафийлар», деб юрита бошлаганлар. Имоми Аъзам (буюк имом) номи билан шуҳрат қозонганликларига келсак, сийрат фани мутахассисларининг сўзларига караганда, Абу Ҳанифага замондош бўлган фуқаҳолар, уламолар ва ундан кейин ўтган йирик ва забардаст ислом олимлари у зотнинг ҳақиқий мужтаҳид эканликларини эътироф этиб, у зоти шарифни «буюк имом», деб атай бошлаганлар.

Тарихий китобларда Имоми Аъзам ҳақларида кўплаб ривоятлар битилган. Жумладан, «Жомий ар-Румуз» китобининг муаллифи, Бухоронинг муфтийси бўлган Шамсуддин Муҳаммад ал-Хуросоний ал-Кўхистоний (вафоти 950 х.с.) ва «ал-Дурр ал-Мухтор» китобининг муаллифи Алоуддин ал-Ҳаскафий (вафоти 1088 х.с.) ўз асарларида Имоми Аъзам таваллудларидан бир аср муқаддам Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг у зоти шариф ҳақида башорат қилганлари ҳақида ҳадислар ривоят қилишган.

Ҳанафий мазҳаби энг эътиборли мазҳаб бўлганлиги учун ҳам унга нафақат фуқаҳолар, шунингдек, турли замонларда ва ўлкаларда яшаб ўтган пири муршидлар, тариқат аҳли пешволари амал қилганлар. Жумладан, машҳур авлиёлардан Иброҳим Адҳам ибн Мансур (вафоти 161 х.с.), Довуд ат-Тоий (вафоти 125 х.с.), Фузайл ибн Аъз (вафоти 178 х.с.), Шақик ал-Балхий (вафоти 194 х.с.), Абу Язид ал-Бастомий (вафоти 261 х.с.) ҳамда Абдул Холик Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд каби пири муршидлар ҳам ҳанафий мазҳабида бўлганлар.

Агарда биз юртимиз тарихига назар солсак, диёримизда ҳукмронлик қилган сомонийлар,

салжуқийлар, хоразмийлар ва темурийлар даврида ҳам ханафийлик мазхабига асосланганликларининг шоҳиди бўламыз.

Имоми Аъзам ўз фикрини мухтасар ҳолда шундай баён қилар эди: Мен аҳкомлар ишлаб чиқишда Қуръони карим сўзини биринчи ўринга қўяман. Агарда унинг оятлари орасидан ўз саволларимга аниқ жавоб топа олмасам, Пайғамбаримиз алайҳиссалом суннатларига мурожаат қиламан. Шунда ҳам муаммо бартараф бўлмаса, саҳобаларнинг сўзларидан жавоб ахтараман. Лекин улардан истаганларимнинг сўзини қабул қиламан, истамаганларимникини эса қабул қилмайман. Саҳобалардан қайси бирларининг сўзларини инобатга олиш ва инобатга олмаслик ихтиёри менинг ўзимдадир.

Имоми Аъзам Қуръони карим ва Суннати набавия таълимотларида, шунингдек, саҳобаларнинг сўзларида ўз аксини топмаган масалаларни илмига, адолатига суяниб ҳал этишга ҳаққи бор мужтаҳид олим бўлганлар.

Имоми Аъзамдаги фикрлаш қобилияти, чуқур илм ва адолати туфайли ижтиҳод қилишга, ўзининг раъйига қараб ҳукм чиқаришга, мусулмонлар унга суяниб, унинг фикрларини ҳаётга татбиқ этишларига муносиб бўлган аллома зот эдилар.

### **Ханафий мазхаби ва миллий қадриятларимиз уйғунлиги. Мазхабда мустаҳкам туриш**

Фикҳий мазхабларнинг бир-биридан ажралишида қоидавий фарқлар, турли ровийлар орқали етиб келган ҳадислардан ҳукм олиш каби асосий омиллар билан бир қаторда, мазхаб шаклланаётган ҳудуддаги ижтимоий ҳаётнинг ҳам маълум маънода таъсири бўлган. Мазхабларнинг усулдаги фарқлари хусусида жуда кўп тадқиқотлар олиб борилгани ҳолда, унинг шаклланишида ижтимоий асосларнинг таъсири ва



Ўрни назардан четда қолиб келган. Фикҳий мазҳаблар шаклланиш ва ёйилиш жараёнида қисман бўлса-да, жамиятдан таъсирланган.

Одамлар турли минтақаларда яшайдилар. Уларнинг иқлим шароитлари, ҳаёт тарзлари, урф-одат ва кадриятлари ҳам фарқли. Барча замон ва маконларга мос ҳамда одамларнинг барча талабларига жавоб бера оладиган ислом шариати, уларнинг ҳаёт тарзларига муносиб ҳукмларни келтириши жуда муҳимдир. Ана шу вазифа айнан мазҳаблар томонидан юзага чиқарилган.

Мазҳабларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларнинг катта таъсири бўлгани каби, фикҳнинг мустаҳкамланиши ва ҳаётга татбиқ этилиши жараёнида ҳам бу таъсир давом этган.

Ислом дини вужудга келишининг иккинчи асридан Ҳижоз, Шом ва Ироқда алоҳида фикҳ мактаблари шаклланиб улгурган эди. Фақиҳлар ўз фатволарида ўша ҳудуддаги урф-одат ва анъаналарни ҳам эътибордан четда қолдирмаганлар. Бунга қуйидагиларни мисол қилишимиз мумкин: Имом Шофий (вафоти 204/819) Бағдоддан Мисрга кўчиб ўтгандан сўнг баъзи масалалардаги қарашларини ўзгартирган, Имом Абу Юсуф “макийл”, яъни ҳажм билан ўлчаб сотиладиган нарсани (масалан, бугдой) урф ўзгаргани сабабли фатвони ўзгартириб, “мавзун”, яъни оғирлик билан ўлчаб сотиладиган нарса деб ҳисоблай бошлаган.

Ушбу ва яна бир қанча мисолларга кўра айтиш мумкинки, мазҳаблар нақлий далилларга суяниб, бирор масалада ҳукм чиқариш мобайнида жамиятнинг ва ўша ҳудуддаги одамларнинг ҳаёт тарзлари ва моддий-маънавий муҳитларини назардан четда қолдирмаганликлари ойдинлашади. Мазҳабларни ўзаро қиёсий таҳлил қилинса, уларнинг қандай муҳитдаги

жамиятларга муносиб келиши кўринади. Машҳур мутасаввиф ва фақиҳ олим Абдулваҳҳоб Шаъроний “Мезон” номли китобида ҳанафийлик ва шофийлик мазҳабларини бир-бирига қиёслаб, шу ҳулосага келади: ҳанафий мазҳаби кўпроқ маданий муҳитда яшайдиган ва савияси юқорирок бўлган жамиятларга муносибдир. Шофий мазҳаби эса, маданийликдан кўра, кўпроқ бадавийликка яқинроқ жамиятлар ҳаётига муносиб келади.

Яна бир таҳлил: юртимизга ислом дини кириб келган ва халқларнинг ҳаётига сингиб бориш даврида, бу ерда ҳанафийлик уламоларидан кўра шофий мазҳаби уламоларининг таъсири катта бўлган. Юртимиздан етишиб чиққан дастлабки давр ислом уламолари ҳанафий мазҳабига мансуб бўлмаганлар. Бунга Қафқол Шоший (903–976) каби фақиҳларни мисол қилишимиз мумкин. Ҳаттоки, Қафқол Шоший яшаган даврда Мовароуннаҳрда ҳанафийлик унчалик мустаҳкам ўрнашмаган эди. Мазҳабларнинг бу ҳудудга тарқалиши даврида ҳанафийлик устун келди. Бу ҳақда тарихий воқеаларнинг гувоҳлик беришича, Ўрта Осиёга ислом дини кириб келиши биланоқ, бу минтақада унга мансуб турли мазҳаблар, ақидавий оқимлар ва фикҳий йўналишлар ҳам тарқала бошлаган. Марв шаҳридан тортиб, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм, Сурхондарё ва Қашқадарё ҳудудларигача мазкур мазҳаб ва оқимларнинг рақобат марказларига айланган, бироқ вақт ўтиши билан барча соҳаларда ҳанафий мазҳаби катъий ғалабага эришганига барча гувоҳ бўлди.

Шу ўринда, ҳанафийлик халқимиз ҳаётига чуқур сингишида қандай омиллар сабаб бўлди, деган ўринли савол туғилади. Ҳанафийлик бу ҳудудда мустаҳкам ўрнашишига, бу ҳудудда яшайдиган халқларнинг исломдан олдин ҳам маданий ҳолатда яшаганликлари

асосий сабаблардан бири бўлган. Марказий Осиёда маданият, санъат, давлатчилик ва бошқа мустаҳкам жамият асослари олдиндан мавжуд бўлган. Халқларнинг маданий ҳаётлари ва савияларига тўлиқ мос келадиган мазҳаб уларнинг ҳаётларидан мустаҳкам ўрин олиши табиийдир.

Аниқ мисол сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин: Ҳанафийлик мазҳабига кўра, намозда имомга иқтидо қилган киши имомнинг орқасида қироат қилмайди, чунки имомнинг қироати унинг учун кифоя қилади. Шофийий мазҳабида эса, муқтадий имомнинг қироатига кифояланмасдан, ҳар ким ўзи учун қироат қилади.

Маданий халқлар одатига кўра, бирор масалани кўтариб чиқишда ва халқ дардини арз қилишда бутун жамоа номидан бир киши гапиради ва бошқалар уни тасдиқлаб, кўллаб-қувватлайди. Унчалик маданийлашмаган ва саҳроларда яшайдиган одамлар эса, ўз муаммоларини ўзлари мустакил равишда ҳал қилишга одатланганлар. Одатлардаги бундай фарқли жиҳатлар ибодатларда ҳам ўз аксини топган. Шунинг учун, маданий халқлар ичида кенг тарқалган ҳанафийликда намозда бутун жамоат номидан бир киши (имом) қироат қилиб, Аллоҳ таолога мурожаат қилади. Бошқалар эса, “омийн” деб уни тасдиқлаб туради. Шофийийликда эса, ҳар бир киши намозда Аллоҳга ўз дардини ўзи арз қилиш маъносида, ўзлари қироат қиладилар.

Яна бир мисол: Ҳанафийлик мазҳабига кўра, эркак кишининг қўли унга номаҳрам бўлган бирор аёлнинг баданига тегса, ёки аксинча, аёл кишининг қўли эркак кишининг баданига тегса, таҳорат бузилмайди. Шофийий мазҳабига кўра эса, бундай ҳолатда таҳорат бузилади.

Бу масалада ҳам, маданий ёки бадавий савияга кўра татбиқот кўзга ташланади. Шаҳар жойларда (масалан бозорда, ҳозирги кунда жамоат транспортларида)

одамлар кўплиги сабабли беихтиёр эркак ва аёллар бир-бирларига тегиб кетиши мумкин. Лекин қишлоқ жойларда эса, бундай эҳтимол мавжуд эмас. Ҳатто эркак ва аёллар бир-бирларига яқин масофада ҳам юрмайдилар. Шаҳарликларнинг заруратларини ҳисобга олиб, бундай ҳолларда таҳоратни қайтадан қилмасликка ҳанафийликда рухсат берилган. Сахро ва тоғларда яшайдиган халқларнинг ҳаёт тарзларини назарда тутиб, шофийий уламолари бу ҳолатда таҳорат бузилади, деганлар. Бу ишнинг тарбиявий аҳамияти ҳам мавжуд. Одамлар кўп бўлган жойда бирор эркакнинг бегона аёлга тажовуз қилиш эҳтимоли йўқ. Лекин тоғ ва чўлларда эса, одамлар жуда кам бўлгани учун эркак киши бегона аёлга тажовуз қилиш эҳтимоли мавжуд. Ана шундай ёмонликнинг олдини олиш учун у жойларда болаларни ёшлигидан бошлаб, “бегона аёлга кўлингни теккизма, таҳоратинг бузилади” деган сўзлар билан уларни эҳтиёткорликка чакирилади.

Эътиборли уламолардан Зафар Аҳмад Усманий ўзининг “Эълоус-сунан” асарида муайян мазҳабни лозим тутиш ҳақидаги шундай фикрларни тақдим этади: “... Ҳақиқатни айтганда, мужтаҳид имомларнинг барчаси тўғри хидоят йўлидадирлар. Уларнинг мазҳабларидан қай бири бир юртда тарқалган бўлса ва унинг уламолари кўп бўлса, оддий мусулмон киши учун ўша мазҳабга эргашмоқ вожиб бўлади. Унга ўз юртида тарқалмаган ва уламолари кўп бўлмаган мазҳабга эргашиб жоиз эмас. Чунки, бундай ҳолатда мазкур мазҳабнинг барча ҳукмларини ўрганиш имкони бўлмайди. Буни яхши фаҳм этинг. Иншааллоҳ, ҳақиқат бундан бошқада эмас. Шунингдек, оддий мусулмон бир амалда бир мазҳабдан иккинчисига “талфиқ” қилмасин, ҳавойи нафсига эргашиб фақат рухсатларнинг ортидан тушмасин. Чунки, бундай қилиш далил ва ижмоъ ила ҳаром қилингандир».

(20-жуз, 290-бет.) (Талфиқ бир масалада икки мазҳабдаги ҳукмдан енгилени таялаб олишдир. Уламолар бир мазҳабдан иккинчисига сакраб ўтишни ҳам талфиқ деб ҳисоблайдилар)

Айни мана шу “талфиқу мазоҳиб”, яъни мазҳабдан мазҳабга сакраб юриш ёки мазҳабсизликка чақирик мусулмон юртдошларимиз орасида гоҳи-гоҳида учраб қолаётган жуда ҳам ачинарли ҳолдир. Бундай чақирикларнинг ҳам ташкилотчилари асосан мусулмонлар орасида ижтимоий беқарорлик келиб чиқишидан манфаатдор ғаразли кучлар бўлсада, уларга эргашувчилар асосан, фикрдан беҳабар, илм остонасига эндигина қадам қўйган ёки ҳақиқий илмдан бебаҳра кишилар бўлади. Замонамизнинг машҳур олими шайх Рамазон Бутий маълум бир мазҳабда барқарор туришни вожиб, деб ҳисоблаб, мазҳабсизликка чақирувларни “Исломдаги энг хатарли бидъат” деб атайди. Дарҳақиқат, ислом динининг маълум бир замон ёки бир макон учун хосланмаган умумий дин эканини, турли даврлар ва ҳудудлар шарт-шароитидан келиб чиқиб фикхий масалаларнинг ўзгариб туришини ҳисобга олганда мазҳабнинг аҳамиятини тасаввур этиш мумкин.

Хулоса килиб айтиладиган бўлса, бизнинг замонамизда бир мазҳабга эргашиш вожибдир. Оддий мусулмон бўладими, аҳли илм ёки фақиҳ бўладими, бошқа мазҳабга ўтиши мутлақо тавсия этилмайди. Аммо мужтаҳид ёки мужтаҳид каби бўлса, майли. Аммо ҳозирги даврда ҳеч ким мазкур мақомни даъво қила олмайди! Ҳанафийлик мазҳабида мустаҳкам туриш мавжуд ихтилофларни баргараф этиш ҳамда янгиларининг олдини олиш мақсадида янада муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида келтирилган мисоллар ва таҳлиллардан сўнг хулоса қилишимиз мумкинки, юртимиз ҳали ислом

дини Ўрта Осиёга кириб келишидан олдин ҳам дунё маданияти ва тамаддунининг муҳим марказларидан бири бўлиб келган. Аждодларимиз исломни қабул қилганларидан сўнг, ўзларининг маданий ҳаётларига муносиб бўлган ҳанафийлик мазҳабини танлаганлар. Агар бу мазҳаб қонун-қоидалари халқнинг савияси ва ҳаёт тарзлари талабларига жавоб бермаганида эди, бу қадар мустаҳкам сингиб кетмаган ва бу юртдан бунчалик кўп алломалар етишиб чиқмаган бўлар эди. Юртимиздан етишиб чиққан фақиҳларнинг деярли барчаси ҳанафий мазҳаби уламоларидир. Муҳими шундаки, улар бутун ислом дунёси эътироф этадиган ва ҳанафий мазҳабида ҳар бир сўзи ва фатвоси эътиборли бўлган олимлардир.

### **Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Жамиятда инсон кадри**

Аллоҳ таоло инсонни бу дунёда азизу мукаррам қилиб яратган. Бу хусусда Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَلَقَدْ كَرَّمْنَا بَنِي آدَمَ وَحَمَلْنَاهُمْ فِي الْبَرِّ وَالْبَحْرِ وَرَزَقْنَاهُمْ مِنَ الطَّيِّبَاتِ وَفَضَّلْنَاهُمْ عَلَى كَثِيرٍ مِمَّنْ خَلَقْنَا تَفْضِيلًا (۷۰)

Яъни: “Дарҳақиқат, (Биз) Одам фарзандларини (азиз ва) мукаррам қилдик ва уларни қуруқлик ва денгизга (от-улов ва кемаларга) миндириб қўйдик ҳамда уларга пок нарсалардан ризқ бердик ва уларни Ўзимиз яратган кўп нарсалардан афзал қилиб қўйдик” (Исро, 70). Аллоҳ таоло шу тарзда инсонни улуғлади ва ер юзини унга ватан қилиб берди.

Дунё кенг, унда миллат-элатлар кўп, ҳар бирининг ўз урф-одати, маданий ўзига хослиги бор. Лекин дунёда инсонлар қалбини бирлаштириб турувчи шундай туйғу борки, бу одамларнинг миллатидан, эътиқодидан,

маданиятидан қатъи назар, уларни туғилиб ўсган тупроғига ипсиз боғлаб туради. Бу Ватан туйғусидир!

Ўзбекистон заминида ҳам бу ерни муқаддас Ватан деб билувчи 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари истиқомат қилишади. Уларнинг ҳар бири ўзбек халқи билан тенгма-тенг туриб, шу тупроқнинг гуллаб-яшнаши учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Шунинг учун ҳам бу замин уларнинг ҳар бирини ўз фарзанди деб билади, уларнинг бетакрор маданияти, тили, ўзига хослигини сақлаб, ривожлантиришга шароит яратиб беради. Бу Ватанда ҳар бир инсон азиздир!

Муҳтарам Юртбошимиз халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини таҳлил қилиб бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафақат ўзаро муомала, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятлар сифатида инсонни кадрлаш, меҳр-оқибат тушунчаларига алоҳида урғу беради: *“Масалан, эзгу одатимизга айланиб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий, диний илдизлари борлигини кўриш мумкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшнининг қўшни билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳими, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, етим-есир, бева-бечора ва ногиронларга, мусофирларга саховат кўрсатиш, сидқидилдан, безараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият халқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди”*. (И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. 9-бет.) У киши шунингдек, инсонпарварлик ғоялари миллий маънавиятимизнинг ажралмас бир қисми эканини таъкидлайди: *“Шуни айтиш лозимки, халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий урф-одатларимиз ва уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат,*

*инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда”.*

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда фидойи ҳамюртлар меҳнатини муносиб баҳолаш, рағбатлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, аҳолини бирдамликка, ҳамжиҳатликка даъват этиш, уларнинг бири-бирига бўлган меҳр-муҳаббатини ошириш мақсадида, истиқлолимизнинг ўн тўққиз йиллик шодиёнаси арафасида маҳаллаларда “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” ғоясини тарғиб-ташвиқ этиш орқали ҳам инсон омили, шаъни, кадр-қиммати нақадар буюқлигини акс эттириш кўзда тутилгани сир эмас.

Дарҳақиқат, ўтган йилларда мустақиллик тантаналари муносабати билан “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” мавзусида барча маҳаллаларда “Маҳалла куни” байрам тадбирини кўтаринки руҳда ўтказиш билан биргаликда, кам таъминланган оилалар фарзандларининг республикамиздаги тарихий ва диққатга сазовор жойларга бепул саёҳатини ташкил этиш, “Саховат”, “Меҳрибонлик” ва “Мурувват” уйларидагиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатиш, жойларда ободонлаштириш, атроф-муҳитни тартибга келтириш, хашар йўли билан ёлғиз қарияларнинг тураржойларини таъмирлаб беришдек халқимизга хос хайрли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизи кишлоқ жойларда яшайди. Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар замирида кишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, жумладан ҳуқуқий маданиятини юқори савияга кўтариш мақсадлари ётгани барчага маълумдир. Ўз-ўзидан равшанки, истиқлол туфайли кишлоққа оид



хуқуқий нормаларга нисбатан ҳам ижодий ёндашиш юзага келди. Мана шунинг ўзи ҳам ким бўлиши, қаерда яшаш, дини, миллатидан қатъи назар ҳар бир инсон бу мустақил ватанда шахс сифатида мўътабар эканига далолат қилмоқда.

Инсон шаънини юксакларга кўтарувчи, икки дунёда азизу муқаррам қилувчи яна бир омил – таълим-тарбия масаласини олсак, бу борада ҳам мамлакатимизда улкан ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Юртимизда махсус мактаб-интернат ўқувчилари, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ижтимоий-тиббий ҳимояга муҳтож оилалар каби аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган асосий қоида ва тамойиллар, қабул қилинган фармон ва қарорлар, давлат дастурлари муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Баркамол авлод йилида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббий аҳволи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, ўз қизиқиши ва ижодий-интеллектуал салоҳиятига мос касб-ҳунар эгаллашига ёрдам бериш борасида пухта тизим яратилгани, Республика “Сен ёлғиз эмассан” жамоатчилик болалар жамғармаси, Болалар ижтимоий мослашуви маркази, Халқ таълими вазирлиги ҳамда бошқа ташкилот ва идоралар томонидан ота-она қаровисиз қолган ўғил-қизларни ҳуқуқий, ижтимоий ва маънавий муҳофаза қилиш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилгани фикримизнинг далилидир.

“Савоб ишни ҳар ким ҳар куни қилиши керак”, деган шиорни ўзимизга дастур билиб, доим яхшиликлар пайида бўлмоғимиз бизнинг ҳақиқий инсонийлик

сифатига сазовор этиб, Парвардигор хузурида чексиз ажри савобларга, икки дунё саодатига муяссар этади. Бинобарин, бу ҳаётда инсондан фақат яхшиликгина қолади. Яхшиликнинг мукофоти эса фақат яхшилик, яъни жаннатдир.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳадиси шарифларнинг бирида марҳамат қилиб: “Ким бир мўминдан дунё қийинчиликларидан бирини енгиллаштира, Аллоҳ таоло ундан қиёмат оғирликларидан бирини енгил қилади. Ким ҳаётда қийналган кишига осонликни раво кўрса, Аллоҳ таоло унга дунё ва охиратда енгилликни ато қилур” (Муслим ривояти), деб айтганлар.

Хулоса қилиб айтганда, яхшиликлар, савобли амаллар бардавом бўлган эл-юрт мустаҳкам бўлиб, тараққий этади. Бундай диёрда инсонлар бир-бирига меҳрли, мурувватли бўлади.

### **Тинчлик ва огоҳлик барчамизнинг шиоримиздир**

Маълум бир динни ўзига ниқоб қилиб олиб, унинг соф, эзгу ғояларини ўз манфаатларига эришиш мақсадида бузиб талқин қиладиган турли диний оқимларга раддия бериш ҳар бир даврда долзарб аҳамиятга эга бўлган. Зотан, мафкуравий майдондаги имкониятлар ҳарбий салоҳиятдан устун туриши тарихдан ҳам маълум. Ушбу мулоҳазалардан ҳам кишилар қалби ва онгини эгаллаш ғоявий курашнинг бош мақсадига айлангани англаб етиш мумкин. *“Бугунги кунда, – дейди Юртбошимиз, – инсоният кўлида мавжуд бўлган қурол-яроғлар ер куррасини бир неча бор яқсон қилишга этади. Буни ҳаммамиз яхши англаймиз. Лекин ҳозирги замондаги энг катта хавф – инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этаётган мафкуравий*

*курашдир. Эндиликда ядро майдонларида эмас, мафкура майдонларида бўлаётган курашлар кўп нарсани ҳал қилади. Бу аччиқ ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик лозим".*

Дарҳақиқат, XX аср ниҳоясига келиб кишиларни ўзаро меҳр-оқибат, тотувликка чорловчи асл диний қадриятларни сиёсий ҳокимиятга эришишни мақсад қилган кучлар ва уларнинг югурдаклари – жангари гуруҳлар ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида «ислом давлати тузиш, халифаликни тиклаш, жиҳод уюштириш» каби даъватлар билан алмаштиришга уриндилар. Динларнинг асл моҳияти бузиб талқин қилиниши натижасида жаҳонда «шайтон тарафдорлари, иегово шоҳидлари, Мун черкови, сайентология черкови» каби бузғунчи гуруҳлар ҳам соф виждонли инсонлар ва айниқса, ёшларнинг онгини заҳарламоқдалар, уларни жамиятдан бадарға бўлишига сабабчи бўлмоқдалар.

Тарихга назар ташласак, мамлакатимиз маданиятлар ва маънавиятлар учрашиб келган чорраҳада жойлашганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Юртимизда анъанавий равишда турли миллатлар яшаб келганлиги, турли динлар мавжуд бўлганлиги, ўтмишда ҳам, бугун ҳам унинг ҳудудида диний низолар бўлмаганлиги тарихчи олимлар ва диний арбоблар томонидан эътироф этилган. Марказий Осиёда зардўштийлик, монийлик, буддизм, христианлик, ислом каби динлар мавжуд бўлиб, шўролар даврини истисно қилганда, турли миллатлар ва элатлар вакили ўзлари танлаган динга эркин равишда эътикод қилиб келганлар. Ҳозир ҳам кўп миллатли мамлакатимизда ислом динига эътикод қилувчи мусулмонлар билан бирга кўплаб диний конфессия вакиллари аҳил, ҳамжиҳат бўлиб, қўхна анъана ва қадриятларига амал қилишда давом этиб келмоқдалар.

Айтиш лозимки, XX аср сўнггида пайдо бўлган диний экстремизм бундан 50-60 йил аввалги диний экстремизм ва фундаментализмдан бир неча баробар хавфлидир. Негаки, юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда дин ниқоби остида сохта ғоялар, турли ақидапарастлик шиорлари билан курулланган экстремизм гиёҳванд моддалар тарқатиш, курул-яроғ савдоси, контрабанда ва халқаро терроризм билан қўшилиб кетди. Афғонистон, Кашмир, Жазоир, Филиппин, Индонезия, Югославия ва сайёрамизнинг бошқа нуқталаридаги диний-этник можаролар, уруш-жанжаллар бунинг далилидир.

Диний эътиқод жамиятнинг маънавий ҳаётида муҳим ўрин тутишини эътиборга олиб, Ўзбекистон ҳукумати фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун зарур барча чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Мамлакатимизда диний таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар бунинг яққол тасдиғи бўла олади. Диний таълимни ривожлантириш, мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш, диний ташкилотларни юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қошида Тошкент ислом университети ташкил этилган. Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузурида Тошкент Ислом институти, 10 та ислом ўрта-махсус билим юрти, Рус православ черковининг 2 та семинарияси ва Протестант черковининг семинарияси фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда диний таълим муассасаларида ёшларимиз динлар асосларини ҳамда дунёвий билимларни ўрганишмоқда.

Диний фундаментализм ва муросасиз ақидапарастликнинг олдини олиш, динлараро ва миллатлараро можароларга йўл қўймаслик, аҳолини динлар, биринчи навбатда ислом динининг асл моҳиятидан хабардор қилиш, маънавий ва маърифий тадбирларда диннинг ижобий хусусиятлари ва

имкониятларидан фойдаланишда диний соҳа вакилларининг мақсадли ва тўғри фаолият юритишлари юксак аҳамият эгадир.

Бу борада айниқса айти пайтда мамлакатимизда фаолият юритаётган имом-хатиблар олдиларида турган ўта долзарб вазибаларни тўғри англаган ҳолда иш юритишлари талаб этилади.

Мутаассибликнинг олдини олиш мақсадида масжидларда, айниқса жума намози олдидан қилинадиган маърузаларда, ижтимоий-маърифий тадбирларда халқимиз онгига ватанпарварлик, ватанни ҳимоя қилиш мукаддас бурч эканлигини сингдириш лозим. Барча динларнинг, хусусан ислом динининг асл моҳияти тинчлик ва эзгуликлиги, Куръонда тинчлик ва эзгуликда бардавом бўлиш Аллоҳ таоло томонидан буюрилганлиги, динда мажбурлаш йўқлиги, кон тўқиш ва одам ўлдириш энг катта гуноҳлардан саналиши, Аллоҳ, унинг пайғамбарлари ва сайлаб қўйилган бошлиқларга итоат фарз эканлиги, фарзанд тарбияси улуғ саодат ва мажбурият эканлиги ва бошқа тарбиявий, маънавий ва маърифий билимлар ва ўғитларнинг етказилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда қилинаётган ишлар дин ва диний ҳаёт соҳасида танланган йўналиш ва йўлнинг тўғри эканлигини тасдиқлаб турибди. Айти пайтда диний ходимлар тарқибини ёшартириш ва диний ҳамда дунёвий савияларини муттасил ошириб бориш, диний нашрларнинг сифати ва мазмунини тубдан яхшилаш, имомларнинг маҳалла оқсоқоллари ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб боришларини таъминлаш, имом-хатиблар ва уламоларнинг жамият ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишларига эришиш, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги

Қонуннинг оғишмай татбиқ қилинишини назорат қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Бунёдкор аждодларимиз томонидан минг йиллар давомида яратилган ва дунё эҳтиромига сазовор бўлган юксак маданиятимиз, безавол қадриятларимизни кўз қорачигидай асраб-авайлаш шуни тақозо этмоқда. Бу нафақат бугунги авлод учун, балки ундан-да кўпроқ келажагимиз эгалари – фарзандларимизнинг осойишта эртаси учун зарур. Мазкур ишда энг залворли маъсулият зиёлилар зиммасига тушиши табиий. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари бўлаётган воқеаларнинг асл моҳиятини халқимизга, айниқса ёшларга тўғри тушунтиришда алоҳида ўрин тутишлари давримизнинг энг долзарб вазифаларидандир.

**Илова: ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ  
ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР  
ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ**

(янги таҳрири)

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқини, динга муносабатидан қатъи назар, фуқароларнинг тенглигини таъминлаш, шунингдек диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туришдан иборат.

**2-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида виждон эркинлигини ва диний ташкилотлар фаолиятини таъминлашга оид муносабатлар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларидагидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Виждон эркинлиги ҳуқуқи**

Виждон эркинлиги фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод

қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир.

Фуқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни у ёки бу тарзда мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ихтиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди.

Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги миллий хавфсизликни ва жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда виждон эркинлиги ва диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланадилар ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўладилар.

**4-модда. Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабати кўрсатилишига йўл қўйилмайди. Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш ва уларга бевосита ёки билвосита имтиёзлар белгилаш, душманлик ва адоват уйғотиш ёхуд уларнинг диний ёки дахрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-



туйғуларини ҳақоратлаш, диний зиёратгоҳларни оёқ ости қилиш қонунда белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Қонунга мувофиқ бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

#### **5-модда. Диннинг давлатдан ажратилганлиги**

Ўзбекистон Республикасида дин давлатдан ажратилган. Ҳеч бир динга ёки диний эътиқодга бошқаларига нисбатан бирон-бир имтиёз ёки чеклашлар белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат турли динларга эътиқод қилувчи ва уларга эътиқод қилмайдиган фуқаролар, ҳар хил эътиқодларга мансуб диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний ва ўзга мутаассибликка ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатларга йўл қўймайди.

Давлат диний конфессиялар ўртасидаги тинчлик ва тотувликни қўллаб-қувватлайди. Бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади. Ушбу қонуннинг бузилишига айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарликка тортиладилар.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига ўзининг ҳеч қандай вазифасини бажаришни юкламайди, уларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди. Диний ташкилотлар давлат вазифаларини

бажармайди. Давлат диний ташкилотларнинг фаолиятини ҳамда даҳрийлик тарғиботига оид фаолиятини маблағ билан таъминламайди.

Ўзбекистон Республикасида диний моҳиятдаги сиёсий партия ва жамоат ҳаракати, шунингдек республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ва уларнинг фаолият юритишига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишлари шарт. Диндан давлатга ва конституцияга қарши тарғибот олиб боришда, душманлик, нафрат, миллатлараро адоват уйғотиш, ахлоқий негизларни ва фуқаровий тотувликни бузишда, бўҳтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатишда, аҳоли ўртасида ваҳима чиқаришда ҳамда давлатга, жамият ва шахсга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Терроризм, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, шунингдек бошқа ғаразли мақсадларни кўзловчи диний ташкилотлар, оқимлар, секталар ва бошқаларнинг фаолияти ман этилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига, мансабдор шахсларга тазйиқ ўтказишга қаратилган ҳар қандай уриниш, шунингдек яширин диний фаолият қонун билан тақиқланади.

**6-модда. Давлат органларининг ва фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро муносабат борасидаги ваколатлари**

Давлат органлари билан диний ташкилотларнинг ўзаро муносабатларини мувофиқлаштириш ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижросини назорат қилиш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита зиммасига юкланади. Қўмитанинг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низом билан белгиланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тегишли ҳудудларда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун қонун бўйича жавобгардирлар.

#### **7-модда. Таълим тизими ва дин**

Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурларига диний фанлар киритилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг дунёвий таълим олиш ҳуқуқи уларнинг динга бўлган муносабатидан қатъи назар таъмин этилади.

#### **8-модда. Диний ташкилотлар**

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузилган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар) диний ташкилотлар деб эътироф этилади.

Диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаётган юз нафардан кам бўлмаган фуқаролари ташаббуси билан тузилади.

Тегишли конфессияга қарашли диний ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва йўналтириб бориш учун уларнинг Ўзбекистон Республикаси бўйича ягона марказий бошқарув органлари (бундан кейин — марказий бошқарув органлари деб юритилади) тузилиши мумкин.

Марказий бошқарув органи Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта худудий тузилмасида (вилоят, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси) фаолият кўрсатаётган, тегишли конфессияларнинг рўйхатга олинган диний ташкилотлари вакиллари таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан тузилади.

Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Тегисли диний маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари диний ташкилотларнинг раҳбарлари бўлишлари мумкин. Диний ташкилотлар раҳбарлигига Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган шахсларнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишиб олинади.

#### **9-модда. Диний ўқув юртлари**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари тузишга ҳақли. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилиб, тегишли лицензия олганидан кейин фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Олий ва ўрта диний ўқув юртларида таълим олиш учун фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий мажбурий ўрта таълим олганидан кейин қабул қилинади.

Диний ўқув юртларида диний фанларни ўқитаётган шахслар диний таълим олган бўлишлари ва ўз фаолиятларини тегишли марказий бошқарув органининг руҳсати билан амалга оширишлари лозим.

Хусусий тартибда диний таълим бериш ман этилади.

#### **10-модда. Диний ташкилотнинг устави**

Диний ташкилотнинг устави куйидаги маълумотларни ўз ичига олган бўлиши керак:

– диний ташкилотнинг номи, тури, жойлашган манзили, қайси динга мансублиги;

– мақсади, вазифалари ва фаолиятининг асосий турлари;

– фаолиятни ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

– тузилиши ва бошқарув органлари;

– маблағлари манбаи ҳамда ушбу ташкилот ичидаги, шунингдек ундан ташқаридаги мулкӣ муносабатлар;

– уставга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;

– ушбу диний ташкилотга тааллуқли бошқа маълумотлар.

Марказий бошқарув органларига эга бўлган диний ташкилотларнинг уставлари мазкур бошқарув органлари билан келишилган бўлиши керак.

#### **11-модда. Диний ташкилотларни рўйхатга олиш**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатга олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, бошқа диний ташкилотларни эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Диний ташкилотларни рўйхатга олиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

– диний ташкилот тузиш ташаббускорлари бўлган, юз нафардан кам бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси имзолаган ариза;

- диний ташкилотнинг устави;
- таъсис йиғилишининг баёни;
- тузилаётган диний ташкилот жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;
- давлат божи тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органини рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг раиси ва котиби имзо қўйган ариза;
- диний ташкилотлар марказий бошқарув органининг устави;
- таъсис йиғилиши (конференцияси)нинг баёни;
- таъсисчилар ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- раҳбар орган жойлашган манзилни тасдиқловчи ҳужжат;
- давлат божи тўлангани тўғрисидаги ҳужжат.

Диний ташкилотлар ҳамда уларнинг марказий бошқарув органларини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан бир ойлик муддатда кўриб чиқилади.

Адлия органлари қўшимча материаллар талаб қилиб олишга ҳамда тегишли органларнинг эксперт хулосасини олишга ҳақли. Бундай ҳолда қарор рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза берилган кундан эътиборан уч ойлик муддатда қабул қилинади.

Диний ташкилотнинг уставига киритилган қўшимчалар ва ўзгартишлар диний ташкилотни рўйхатга олиш каби тартиб ва муддатларда рўйхатга олинishi лозим.

Диний ташкилотлар раҳбарларининг ташкилот уставини давлат органларидан рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаши қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

Диний ташкилотнинг фаолияти ўз уставига мувофиқлигини назорат қилиш диний ташкилотни рўйхатга олган орган томонидан амалга оширилади.

Рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолият кўрсатишига йўл қўйган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

**12-модда. Диний ташкилотни рўйхатга олишни рад этиш**

Агар диний ташкилот уставининг қоидалари ва бошқа ҳужжатлари ушбу Қонун ёки Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг талабларига зид бўлса, уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганда рад этиш асослари кўрсатилган қарор ёзма равишда аризачиларга юборилади. Диний ташкилот тузиш ташаббускорлари уставларини қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳолга келтирганларидан сўнг, уставни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза билан тегишли тарзда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки унинг жойлардаги органларига қайтадан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Диний ташкилотни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёхуд адлия органлари томонидан ушбу Қонун талаблари бузилганлиги устидан судга шикоят қилиш мумкин.

**13-модда. Диний ташкилотнинг фаолиятини тугатиш**

Диний ташкилотнинг фаолияти у ўзини ўзи тарқатиб юборганда ёки ушбу Қонуннинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси бошқа қонун ҳужжатларининг қоидалари бузилган тақдирда тугатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарор уни рўйхатга олган орган томонидан қабул қилинади. Ушбу қарор устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

#### **14-модда. Диний урф-одатлар ва маросимлар**

Диний ташкилотлар ибодат қилиш ёки диний расм-русумлар ўтказиш учун қулай жойлар ташкил этиш ва уларни сақлаб туриш, шунингдек зиёратгоҳларни сақлаб туриш ҳуқуқига эгадир.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар диний ташкилотлар жойлашган манзилдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг ихтиёрига биноан уларнинг уйларида ўтказилади.

Касалхоналарда, госпиталларда, кексалар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний расм-русумлар шу ердаги фуқароларнинг илтимосларига биноан ўтказилади.

Диний маросим ва ибодат биноларидан ташқарида ўтказиладиган оммавий ибодатлар, диний расм-русумлар ва маросимлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришларига йўл қўйилмайди.

Диний ташкилотлар диндорлардан мажбурий пул йиғимлари ва тўловлар ундиришга, шунингдек уларга нисбатан шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи чораларни қўллашга ҳақли эмас.

#### **15-модда. Диний ташкилотларнинг мулки**

Диний ташкилотларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинган ёки яратилган, фуқаролар, жамоат бирлашмалари эҳсон қилган (васият қилиб қолдирган) ёхуд давлат томонидан назарда тутилган бошқа асосларда олинган, ўз фаолиятларини таъминлаш учун зарур бўлган бинолар, иморатлар, ибодат қилиш анжомлари, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва хайрия иншоотлари, пул



маблағлари ва бошқа мол-мулклар уларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотларнинг мулкый ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади.

**16-модда. Давлат мулки бўлган мол-мулкдан фойдаланиш**

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат органлари томонидан шартнома асосида бериладиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидир.

Тарихий ва маданий ёдгорликлар объектлари ва буюмларини диний ташкилотларга фойдаланиш учун бериш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар учун ер ажратиш ҳамда ибодат бинолари қуриш тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг рухсати билан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**17-модда. Ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари уставдаги мақсадларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ, ноширлик, ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналари ва бошқа корхоналари, шунингдек хайрия муассасаларини (етимхоналар, касалхоналар) таъсис этишга ҳақлидир.

**18-модда. Фаолиятини тугатган диний ташкилотларнинг мол-мулкни тасарруф этиш**

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилгандан кейин уларга фойдаланиб туриш учун берилган мол-мулк ўз эгаларига қайтарилади.

Диний ташкилотларнинг фаолияти тугатилган тақдирда, уларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш уларнинг устави ва қонун ҳужжатларига мувофиқ

амалга оширилади. Кредиторларнинг талабларини қондириш учун ундириш қаратилиши мумкин бўлмаган ибодатга оид мол-мулк рўйхати диний ташкилотларнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Хуқуқий ворислари бўлмаган мол-мулк давлат мулки ҳисобига ўтади.

### **19-модда. Диний адабиёт ва диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар**

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари диний мақсадларга мўлжалланган буюмлар, диний адабиётлар ва диний мазмундаги бошқа ахборот материалларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишлаб чиқаришга, экспорт ва импорт қилишга ҳамда тарқатишга ҳақлидир.

Чет элда нашр этилган диний адабиётларни олиб келиш ва тарқатиш уларнинг мазмуни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейин амалга оширилади.

Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари тегишли лицензия олгандан сўнг диний ибодат буюмларини ишлаб чиқариш ва тарқатиш ҳуқуқига фақат улар эга бўладилар.

Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган матбаа нашрларини, кино, фото, аудио, видео маҳсулотларини ва шу каби бошқа маҳсулотларни тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортишга олиб келади.

### **20-модда. Диний ташкилотларнинг хайрия фаолияти**

Диний ташкилотлар хайрия ва меҳр-мурувват фаолиятини амалга оширишга ҳақлидир.

**21-модда. Диний ташкилотларда меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлар**

Диний ташкилотларда меҳнат шартномалари (контрактлари) бўйича ишлаётган фуқароларга Ўзбекистон Республикасининг меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари татбиқ этилади.

**22-модда. Диний ташкилотларнинг халқаро алоқалари**

Диний ташкилотлар муқаддас жойларни зиёрат қилиш ёки бошқа диний тадбирларда иштирок этиш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ халқаро алоқалар ўрнатиш ва олиб боришга ҳақлидир.

**23-модда. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар, диний ташкилотларнинг хизматидагилар ва фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2010.
2. Алимов У. Оилада фарзанд тарбияси. – Тошкент: Мавороуннаҳр, 2011.
3. Алимов У. Ёшлар келажагимиз. – Тошкент: Мавороуннаҳр, 2008.
4. Алимов У. Имом ал-Бухорий баракоти. – Тошкент: Мавороуннаҳр, 2007.
5. Шайх Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. – Тошкент: ТИУ, 2009.
6. Али ибн Аҳмад ан-Найсобурий. Асбоб ан-нузул. Анвар қори Турсунов таржимаси. – Тошкент: Мавороуннаҳр, 2009.
7. Шайх Муҳаммад Али Собуний. Исломиё низоҳ ва униё одоблари. Ш.Пўлатов таржимаси. – Тошкент: Мавороуннаҳр, 2005.
8. Раҳимжонов Д. А. Маърифат – тинчлик асоси. – Тошкент: ТИУ, 2007.
9. Жузжоний Ш. А. Ислоҳ ҳуқуқшунослиги: ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Тошкент: ТИУ, 2002.
10. Ислоҳ маърифати: аслият ва талкин. Муаллифлар гуруҳи. – Тошкент: ТИУ, 2011.
11. Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: кеча ва бугун. – Тошкент: ТИУ, 2008.
12. Имодуддин Абул Фидо Исмоил ибн Касир. Тафсирул-Қуръанил-азим. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1989.
13. Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ан-Насафий. Тафсирун-Насафий. Мадарикут-танзил ва ҳақоикут-таъвил. Дорун-нафоис, 1996.
14. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ. – Қоҳира: ал-Мухтор, 2008.

15. Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий. Суанут-Термизий. – Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 1987.
16. Имом Абу Закариё ибн Шараф ан-Нававий. Риёзус солихийн. – Байрут: Ал-Мактаб ал-исломий, 1992.
17. Бурҳониддин Марғиноний. Ал-Ҳидоя шарҳу бидоятул-мубтадий. – Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 1990.
18. Бадруддин Айний. Ал-Бидоя шарҳул-ҳидоя. – Байрут: Дорул-кутубил-илмия, 2000.
19. Доктор Муҳаммад Саид Рамазон Бутий. Алла Мазҳабия. – Дамашқ: Мактабатул-Фаробий, 2005.
20. Ваҳба Зухайлий. Ал-Фикҳул-исламий ва адиллатуху. – Дамашқ: Дорул-фикр, 2001.
21. Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳусайн ал-Уструшаний. Жомий аҳкомис-сиғор. – Тошкент: ТИУ, 2010.

## Мундарижа

<b>СЎЗ БОШИ</b> .....	3
<b>I БОБ. ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ</b> .....	5
Ислом динида аёлларга муносабат.....	5
Оилада аёлнинг ўрни .....	10
Фарзанд тарбиясида оналарнинг масъулияти .....	14
Аёлларнинг кийиниш маданияти ва одоблари.....	18
Аёлларнинг жамоат бўлиб ибодат қилиши масалалари .....	21
Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг зарарли оқибатлари .....	23
Маърифатли аёл – баркамол авлод таянчи .....	30
Соғлом она – соғлом фарзанд .....	33
Аёлларнинг касб-ҳунар билан шуғулланиши .....	36
Ҳанафийлик мазҳабига кўра никоҳ одоблари .....	42
Тўй ва маросимларни ўтказишда диний ва миллий анъаналарга риоя қилиш .....	48
<b>II БОБ. ОГОҲЛИККА ДАЪВАТ: АЁЛЛАРНИ ТУРЛИ ЗАРАРЛИ ҲОЯЛАР ВА ИЛЛАТЛАРДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ</b> .....	51
Аёллар ва болаларни турли ақидапарастлик ҳоялари ва диний оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш .....	51
Гиёҳвандлик – аср вабоси .....	64
Миссионерлик фаолиятининг олдини олиш масалалари .....	69
Имоми Аъзам мазҳаби ҳақида .....	76
Ҳанафий мазҳаби ва миллий қадриятларимиз	

уйғунлиги. Мазҳабда мустаҳкам туриш .....	80
Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Жамиятда инсон кадри.....	86
Тинчлик ва огоҳлик барчамизнинг шиоримиздир .....	90
Илова: ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТ- ЛАР ТЎҒРИСИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ .....	95
Фойдаланилган адабиётлар.....	108

# **АЁЛ – ЖАМИЯТИМИЗ ФАЙЗИ**

**“Тошкент ислом университети”  
нашриёт-матбаа бирлашмаси  
Тошкент – 2012**

**Мухаррир: Сарвар Очилов  
Дизайнер: Ильнур Караджаев  
Саҳифаловчи: Зулхумор Улуғбекова**

**Босишга 2012 йил 1 июнда рухсат берилди.  
Бичими 84×108 1/32 Шартли б.т. 5,88. Нашр т. 5,90.  
Адади 1500 дона. Буюртма № 39.  
Баҳоси шартнома асосида.**

**“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа  
бирлашмаси босмаҳонасида чоп этилди.  
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.**